2024 ЙИЛ — ЁШЛАР ВА БИЗНЕСНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ЙИЛИ

O‘zingni angla!

Hurriyat

Mustaqil gazeta

2024-yil
4-yanvar
payshanba
№ 1 (1376)

Gazeta 1996-yil dekabrdan chiqa boshlagan ★ www.uzhurriyat.uz ★ gazhurriyat@mail.ru ★ t.me/hurriyatuz ★ Hurriyat gazetasi

МУНОСАБАТ

МАЪНАВИЯТ — ОГОҲЛИК ДЕМАК!

Ҳаммамизга маълумки, ўтган йилнинг 22 декабрида Республика Маънавият ва маърифат кенгашининг кенгайтирилган мажлиси бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти – Республика Маънавият ва маърифат кенгашининг раиси Шавкат Мирзиёев катта нутқ сўзлади. Унда мамлакатимиз ва халқимиз олдида турган энг муҳим маънавий-маърифий масалалар атрофлича таҳлил этилиб, муаммолар кўтарилди ва ечимлар айтилди.

Қуйида нутқдаги барча йўналишларга тўхталиш ниятида эмасман. Йиғилиш иштирокчиси сифатида каминага, айниқса, битта масала қаттиқ таъсир қилди. Бу – Ўзбекистон мустақиллиги ва уни асраб-авайлаш масаласи!

Ие, дейишингиз мумкин, истиқлолга эришганимизга 32 йилдан ошганидан кейин ҳам бу масала долзарб бўлиб турибдими?

Нутқнинг моҳиятидан келиб чиқилса, дунё дунё бўлар, унда одамзод яшар экан, бу масала ҳар қандай давлат ва халқ учун долзарбдан долзарброқ масала бўлиб тураверияти аёнлашади. Шундай бўлмаса эди, ўтган XX ҳамда ўтаётган XXI асрда жаҳон харитасида мамлакатларнинг йўқолиб кетиши, янгиларининг пайдо бўлиши билан боғлиқ қанчадан-қанча ўзгариш бўларми эди? Жонажон Ўзбекистонимизнинг давлат мустақиллигига эришиши ҳам айни ана шу жараёнлар асносида кечгани рост-ку.

Шундай экан, дунёни қайтадан бўлиб олишга бўлган ваҳшиёна интилиш олови асло сўнмас экан. Буни шу кеча-кундузда Шарқий Европа ҳамда Яқин Шарқда бўлиб турган қонли жараёнлар батамом исботлаб турибди.

Хўш, Ўзбекистонимиз бу можаролардан мутлақ халосми? Йўқ-да. Асло.

Айнан шу ҳолатдан қаттиқ безовталик ва огоҳликка даъват Юртбошимиз нутқининг энг мутаассир нуқтаси бўлди, десам, адашмасам керак. Мана бу сўзларга қулоқ тутайлик: *“Бугун жаҳон миқёсида тараққиёт суръатлари мисли кўрилмаган даражада шиддатли тус олмоқда. Айни вақтда азалий қадриятлар, ижтимоий-сиёсий қарашлар тизимида чуқур трансформация жараёнлари юз бермоқда. Илгари ўз мақсад ва манфаатларини асосан, дипломатия ва сиёсат билан ҳимоя қилиб келган дунёдаги қудратли марказлар энди очиқчасига босим ўтказиш, қарама-қаршилик ва тўқнашувлар йўлига ўтганига ҳаммамиз гувоҳмиз.*

Афсуски, бундай кенг кўламли ва ўта зиддиятли жараёнларнинг таъсири Марказий Осиё минтақаси ва унинг таркибий қисми бўлган мамлакатимизни ҳам четлаб ўтмаяпти.

Ана шундай ғоят мураккаб ва таҳликали вазиятда Ўзбекистоннинг миллий манфаатларига жавоб берадиган тўғри йўлни топиш албатта осон бўлмаяпти. Биз дунёдаги узоқяқин барча давлатлар билан ўзаро манфаатли алоқаларни ривожлантиришга ҳаракат қиляпмиз”.

Халқимизнинг асрий тийнатида оғир-босиқлик, шоша-пиша бир иш қилиб қўймаслик, унча-мунчага жиғибийрон бўлавермаслик, хуллас, етти ўлчаб, бир кесиш фазилати мавжуд. Чунки оқибатни ўйлаймиз, узоқ манзилларга кўз тикканмиз.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев бежиз халқни бирликка, миллат зиёлиларни уйғоқликка, она-Ватанни ҳимоя қилишга чорламаётир: “Тарихдан маълум: Ватан ва халқ тақдирига нисбатан таҳдидлар кучайган вазиятда айнан миллат фидойилари – уйғоқ қалбли зиёлилар, шоир ва адиблар, санъат намояндалари, маънавият ва маърифат соҳаси ходимлари жасорат билан майдонга чиққанлар. XX аср бошларида халқимизни озодлик ва илм-маърифат учун курашга чорлаган жадид боболаримизни эслайлик”.

Дарҳақиқат, маърифатпарвар боболаримиз юртнинг қолоқлигини халқнинг ҳуқуқсизлиги, яъни мустамлакадан кўрди. Лекин, мана, биринчи масала бундан қарийб 33 йил бурун ҳал бўлди, яъни мамлакат мустамлакадан қутулиб, ўзининг мустақил миллий давлатини қурди. Жаҳон жадал ривожланиб кетди. Шунинг учун бугун она юртимиз илғор дунёнинг олдинги сафларида бўлиш учун жуда катта қадамлар ташламоқда.

Бунинг учун нима қилмоқ керак? Албатта, мамлакатни ривожлантириш лозим. Мамлакатни ким ривожлантиради? Одамлар. Давлат ва фуқаролар ўртасидаги бирликкина юксалишга чинакам омил бўла олади. Бунинг учун эса одамларнинг онгу тафаккурини янада ўстириш зарур. Бунинг учун, шубҳасиз, маънавият керак. Шу боис Шавкат Мирзиёев: “Маърифатпарвар аждодларимизнинг мероси бугун биз қураётган ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамияти учун пойдевор бўлиб хизмат қилиши табиийдир. Чунки уларнинг ғоя ва дастурлари Янги Ўзбекистонни барпо этиш стратегияси билан ҳар томонлама уйғун ва ҳамоҳангдир”, – деди.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Фанлар академияси, Маънавият ва маърифат маркази, Миллий масс-медиани қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди, “Шаҳидлар хотираси” жамғармаси ҳамда жамоатчилик вакилларининг ташаббуси қўллаб-қувватланиб, янги ташкил этилган “Жадид” газетаси, умид қиламизки, шу курашнинг бошида туриб, пешқадам зиёлиларимизнинг асл минбарига айланади. Биринчидан, у мамлакат мустақиллиги учун мол-жонини тикиб курашга бел боғлаган жадидларимиздан ўрнак олиш, улар меросини ўрганиб, моҳиятини халққа етказишга ҳаракат қилади. Иккинчидан, илғор зиёлиларимизни бугуннинг жадидлари бўлишга ундайди. Бугуннинг жадидлари эса халқнинг кўзини очиши, уни уйғотиши, фуқароларни Ватан тақдири учун масъул шахсларга айлантиришни мақсад қилиши, XXI аср тараққиёти талаб қиладиган даражадаги кадрларни тайёрлаб, етиштиришга муносиб ҳисса қўшиши зарур. Бу эса янги ишлаб чиқариш технологияларини ўзлаштириш, рақамли иқтисодиётни йўлга қўйиш, саноатни, туризмни юксак даражаларга кўтариш, илм-фанни ўстириш, таълим тизимини тубдан ислоҳ қилиш, ҳам билимли, ҳам маънавиятли шахсни тарбиялаш ва ҳоказоларни ўз ичига олади.

Айниқса, Президент нутқида алоҳида таъкидланган қуйидаги сўзлар мағзини ҳар бир юртдошимиз, айниқса, ёшлар чақа олиши шарт:

“Аввало, маънавият ва маданият соҳасидаги ишларимиз учун методик асос бўлиб хизмат қиладиган миллий ғоямизни ривожлантириш бўйича алоҳида дастурий ҳужжат ишлаб чиқишимиз лозим. Бу жараёнда янги таҳрирдаги Конституциямиз талаблари ҳисобга олиниши зарур. Мана, биз Асосий қонунимиздаги фундаментал принциплардан келиб чиқиб, Дунёвий давлат концепциясини ишлаб чиқяпмиз.

Нима учун бунга зарурат туғилмоқда?

Ўзингиз кўряпсиз, бугунги кунда ижтимоий тармоқлар орқали асосан четдан, баъзан ҳатто мамлакатимизнинг ўзида ҳам Конституция ва қонунларимизга зид позициялар илгари сурилмоқда...”

Халқни ўз давлатига қарши қайрашга қаратилган ёки баъзи бир мамлакатларда ўзларини “сиёсатдон” деб билувчи кимсалар томонидан очиқдан-очиқ дунёда мустақил ва ҳур мамлакат дахлсизлигига рахна солиш ниятида айтилаётган ҳар хил ўйлоқсиз валдирашларга, ёвуз ниятли бундай ҳаракатларга ўз вақтида жиддий муносабат, жавоб қайтармаслик эса асло мумкин эмас. Ўзи қарийб бир ярим асрлик истибдоддан қутулиб, не-не улуғ боболаримиз, аждодларимизнинг курашлари, азиз жонларини беришлари туфайли улуғ орзу, буюк мақсад — мустақилликка, яъни миллий давлатимизга эришдик. Ўзбекистонимиз фақат ва фақат халқнинг шу давлати билан бир тан, бир жон бўлиб бирлашиши орқалигина тараққий эта олади.

Башарият тажрибаси қайта-қайта исботлаган бу ҳақиқатни унутишга эса ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ.

Султонмурод ОЛИМ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими.

ТАҚДИМОТ

ТУРКИЙ ДУНЁ ОВОЗИ БАЛАНД ЯНГРАМОҚДА

ТУРКИЯНИНГ АНҚАРА ВА ИСТАНБУЛ ШАҲАРЛАРИДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ТАШАББУСИ БИЛАН НАШР ЭТИЛГАН “ТУРКИЙ АДАБИЁТ ДУРДОНАЛАРИ” ЮЗ ЖИЛДЛИ КИТОБЛАР МАЖМУАСИНИНГ ТАҚДИМОТЛАРИ БЎЛИБ ЎТДИ

Ҳар қандай миллатнинг ўзлиги унинг тили, шу тил бойлиги ва қудратини намоён этувчи маданият ва санъат асарлари билан белгиланади. Шунинг учун ҳам адабиёт намуналари асрлар давомида дилларни дилларга боғловчи ришта, миллатнинг уйғоқ хотираси бўлиб келган. Чўлпон таъбири билан айтганда, адабиётнинг равнақи миллат келажагининг пойдеворидир.

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан чоп этилган “Туркий адабиёт дурдоналари” туркумидаги бебаҳо асарлар тўплами нафақат мамлакатимиз, балки қардош туркий давлатлар маънавий ҳаётидаги муҳим воқеа бўлиб, мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик ва адабий алоқаларнинг янада мустаҳкамланиб бораётганидан далолат беради.

Маълумки, ушбу мажмуа Самарқандда бўлиб ўтган “Туркий цивилизациянинг янги даври: умумий тараққиёт ва фаровонлик сари” мавзусидаги Туркий давлатлар кенгашининг илк саммити доирасида Ташкилотга аъзо мамлакатлар раҳбарларига тақдим этилганди. Шу тақдимотда Президентимиз мазкур улкан лойиҳани бошқа туркий тилларга таржима қилиб нашр этиш таклифини ўртага ташлаган эди.

3-б.

ШУНДАЙ ДЕДИ

Зоир МИРЗАЕВ,
Тошкент вилояти ҳокими:

... Аҳолимизда тезроқ яхши кунни кўришга иштиёқ кучайган. Бу одамларнинг ҳуқуқий онги ривожланганлигининг кўриниши ва бу жудаям яхши ҳолат. Фуқаро ўзининг ҳаққини талаб қилиб ола билса, бошқарувга осон бўлади.

Манба:daryo.uz

БЕДОР ТУЙҒУ

Ўткир РАҲМАТ

НАЖОТ КЎНГЛИНГДАДИР...

Дунёга назар сол…
Талотўп аро
Дам кулга дўнмоқда, дам ёнмоқда у.
Кунлари тунларга айланиб қаро
Оғриқлар ичида тўлғонмоқда у.

Дунёга назар сол…
Урчиб адоват,
Кимнингдир зулм-ла битми тузилди.
Бедор кўнгилларга чўкди ҳаловат,
Тап тортмас умидлар сафи узилди.

Дунёга назар сол…
Қўлларида ғул,
Орзиққан юраги озорга тушди.
Ёруғ кунларидан узилиб буткул,
Балки, сендайлар деб шу ҳолга тушди.

Ўйингда чарх урар недир, билмас тин,
Бир ёнингда нопок,
Бир ён ғаламис.
Бизни ўзинг билан сафдош билмагин,
Биз сен билан бошқа-бошқа йўлдамиз.

7-б.

ЎЗЛИК

ҲАР МИЛЛАТ ЎЗ ТИЛИ ИЛА ФАХР ЭТАР

Бу сарлавҳанинг муаллифлик ҳуқуқи бизга эмас, жадид боболаримизга, тўғрироғи, ўша давр матбуотида ёниқ руҳдаги мақолалари билан фаол иштирок этган Саидризо Ализода бобомизга тегишли. “Ойна” журналининг 1914 йил 11-сонида босилган ушбу мақолада она тилга бефарқлик миллатга бефарқлик экани, унинг софлигини асраш нечоғлиқ муҳимлиги ҳақида сўз юритилган. Бу масала ўтган аср аввалида нақадар долзарб ҳисобланган бўлса, бугун ундан ҳам кўра кўпроқ эътиборни тақозо этади. 2023 йил 22 декабрь куни Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Республика Маънавият ва маърифат кенгашининг кенгайтирилган мажлисидаги тарихий нутқида маънавият ва маърифатнинг барча жабҳалари қаторида ўзбек тили, унинг давлат тили сифатидаги нуфузини ошириш, ёшларни миллий руҳда тарбиялаш заруратига алоҳида диққат қаратилгани бунинг исботидир.

Сир эмас, ниҳоятда мураккаб, зиддиятли ва таҳликали замонда яшаяпмиз. Дунёда мафкуравий таҳдидлар, ўзга давлатлар мустақиллигига, бошқа миллатлар озодлигига тажовуз ҳолатлари ҳар қачонгидан ҳам кучайиб бораётир. Миллий руҳиятни сўндиришга зимдан ҳаракатлар тобора авж олаётир. Мустамлака зулмини, эрксизлик уқубатини ўз вужудида синаб кўрган халқимиз, табиийки, бундай ҳолатларга бефарқ қараёлмайди. Эски замонни қўмсаётган кимсаларга эса жавобимиз тайин: чучварани хом санабсиз, Ўзбекистон ўз мустақиллигини ҳимоя қилишга қодир!

Миллий руҳият – миллат мавжудлиги ва тараққиётининг асоси. Ана шу руҳият уни бирлаштирувчи, мусибатлардан асрашга қодир тенгсиз манбадир. Миллий руҳни сақлаган халқни ҳеч ким енга олмайди. Савол туғилади: бизда шу руҳ борми? Бўлса, етарли даражадами? Бунга эриша оляпмизми? Бу саволларга икки хил жавоб бериш мумкин: биринчиси, бизда миллий руҳ албатта бор ва ҳар қандай синовга дош бера олади. Иккинчиси, маълум хавотир ҳам йўқ эмас. Ҳар икки ҳолатга мисоллар келтириш мумкин. Энг аҳамиятлиси, бугунги кунда она тилимиз Давлатимиз раҳбари тимсолида дунё минбарларида янграётир. Президент Шавкат Мирзиёев ҳар доим БМТ минбарида, халқаро ташкилотлар билан ўтказиладиган саммитларда, дунё давлатлари лидерлари билан учрашувларда фақат ва фақат ўзбек тилида сўзлашмоқда.

“Бўлар экан-ку... Жаҳон минбарларида оламшумул фикрларни, илғор ташаббусларни ўзбек тилида ифодалаш мумкин экан-у...” – деган туйғу халқимиз дилида ифтихор, тилида шукрона ҳиссини кучайтиради, шаксиз.

Хавотир ҳиссига келсак, юқорида зикр этилган тарихий йиғилишда Президентимиз бунга алоҳида урғу берди. Ёшларимиз энг тараққий этган давлатларнинг нуфузли университетларига ўқишга юборилаётгани, бу йўлда маблағ аялмаётганини таъкидлаган Юртбошимиз ўта бир жиддий саволни ўртага қўйди. Ёшларимиз ахборот технологиялари, математика ёки исталган ўзлари танлаган соҳанинг етук мутахассиси бўлиб етишишига шубҳа йўқ. Лекин улар хорижий давлатда ўқишни битиргач, юртимизга ўзбек бўлиб қайтадими? Ҳақиқатан, бу – энг муҳим, эътибор қаратмаса бўлмайдиган масаладир. Ҳар биримиз бу ҳақда жиддий ўйлашимиз, ёш авлод қалбида миллий руҳиятни кучайтиришга жидду жаҳд қилмоғимиз шарт ва зарур. Лекин одамни ташвишга соладиган яна бир фикр бор: нима учун токи Президент эътибор бермагунча, жим юрамиз? Ахир бу миллат ойдинларини ўйлантириши, уйқусини қочириши, ҳаловатини ўғирлаши керак бўлган муҳимдан ҳам муҳим масала эмасми? Ҳолбуки, жадидларимиз айни шу туйғу – миллат ва миллият учун куйинган, курашган, шу муқаддас йўлда қурбон бўлган эди-ку... Нимага биз лоқайдмиз? Нега эркимизга дахл қилмоқчи бўлсалар ҳам, ёшларимизнинг онгу шуурини заҳарласалар ҳам этимиз чатнамайди?!

Тошкент жадидларининг ёрқин намояндаларидан бири Тўлаган Тавалло ўз даврида миллият туйғусини ўйлаб, кўнглидан кечган изтиробларини мана бундай ифодалаган эди:

Ҳама ўз бошига оввора, миллатга назар қилмас,
Миллият ҳислари бизда кўринг миқдор йўх,
йўх, йўх.

Ҳолбуки, бу сатрлар жадидларимиз Ватан ва миллат тараққийси йўлига бутун салоҳиятини, керак бўлса, молини-ю жонини ҳам бағишлаётган бир замонда ёзилган эди... Энди-чи, энди лоқайдликни, ўзибўларчиликни қандай оқлаш мумкин?!

Давлатимиз раҳбари нутқида она тилимиз равнақи ва уни ўқитиш масалаларига алоҳида диққат қаратилгани барчани қувонтирди. Бизда чет тиллари бўйича халқаро сертификат олган мутахассисларга устама ҳақ тўланарди. Лекин ўзбек тили бўйича бундай имтиёз бўлган эмас. “Ўзбек тили ва адабиёти” фани ўқитувчилари ҳам халқаро сертификатга эга бўлган бошқа фан ўқитувчиларидан кам бўлмаган қўшимча ҳақ билан таъминланиши керак. Бу, албатта, адолатдан бўлади”, - деди Президент. Келгуси ўқув йилидан бошлаб миллий сертификатга эга “Ўзбек тили ва адабиёти” фани ўқитувчилари 50 фоиз устама олиши белгиланган она тили таълими сифати ошишига хизмат қилиши аниқ. Бу ерда гап манфаатдорликдагина эмас, миллий тилга кўрсатилаётган эътиборда ва рағбатда эканини таъкидлаш жоиз.

Бошқа тилларда таълим олган юртдошларимизнинг давлат тилини ўрганишга бўлган қизқишини кучайтириш – тилимиз нуфузини оширишнинг муҳим шартларидан бири. Ушбу тоифадаги юртдошларимиз махсус сертификатга эга бўлса, ўқиш харажатлари давлат томонидан қоплаб берилиши она тилимизга бўлган эътиборни янада кучайтириши шубҳасиз. Бошқа тилларни ўқитишга ихтисослашган мактабларда ўзбек тилининг ўқитиш соатлари кўпайтирилиши тилимиз равнақи йўлидаги яна бир муҳим қадам сифатида баҳоланишга лойиқ.

Фан олимпиадалари ёшларга катта рағбат бериши аён. Ўзбек тили бўйича халқаро (!) фан олимпиадалари ўтказилиши, ғолиб ва совриндорлар пул мукофоти билан тақдирланиши ва ўзбек филологияси йўналишларига давлат гранти асосида ўқишга қабул қилиниши шу пайтгача кўрилмаган ҳол эди. Юртбошимизнинг бу борадаги ташаббуслари давлат тилини ривожлантириш концептуал масала даражасига кўтарилганидан далолат беради.

Хорижий тилларни билиш нечоғлиқ муҳим экани аён. Маърифатпарвар шоиримиз Аваз Ўтар мана бу сўзларни бежиз ёзмагани ҳам маълум:

Ҳар тилни билув эмди бани Одама жондур,
Тил воситаи робитаи оламиёндур.
Ғайри тилини саъй қилинг билгали, ёшлар –
Ким, илму ҳунарлар ривожи андин аёндур.

Мамлакатимизда чет тилларини ўқитадиган бир нечта алоҳида таълим муассасалари, аксар университетларда махсус факултетлар фаолият юритади. Уларни ташкил этишдан кўзланган мақсад Ўзбекистонни, ўзбекни, унинг маданияти ва интеллектуал салоҳиятини бутун дунёда уларнинг ўз тилида тарғиб этадиган, миллий ахлоқни ва маънавиятни намоён қиладиган етук мутахассислар тайёрлаш экани сир эмас. Савол туғилади: улар шу вазифани бажара оляптими? Қайси тилни ўрганаётган бўлса, ички дунёси-ю руҳиятини ҳам, ҳатто ташқи қиёфасини ҳам ўша халққа ўхшатишга зўр бераётган ёшларни кўрганда, тўғриси, қалбимда оғриқ сезаман. Бу тоифа ўша халқ наздида бундай “ксеронусха”лар хасчалик ҳам қимматга эга эмаслигини, наҳотки, билмаса?! “Аслият”нинг қиммати баландроқ эканини англаш учун жуда кўп фаросат керакми? Бу каби саволлар фақат миллат ойдинларини эмас, бутун жамиятни ўйлантириши, ташвишга солиши керак.

Сўзимиз аввалида тилга олинган Саидризо Ализоданинг “Ҳар миллат ўз тили ила фахр этар” сарлавҳали мақоласида бундан бир юзу ўн йил муқаддам мана бундай сўзлар ёзилган эди: “Ушбу Туркистонимизда қайси бир рус, ё қайси бир арман ўз тилини қўйиб бир-бирови ила туркча сўйлайдур. Аммо бизнинг сўзлашганимиз вақтда ҳар бир жумлада бир калима рус сўзи эшитилур. Масалан: “Манго бир оз помогат қилинг”, “Они мунча иштараф қилдилар”, “Фалон одамнинг дўкони печат қилинди”. Ваҳоланки, бул сўзлар ҳаммаси мусулмонча адо бўлина олур. Масалан, помогат – ёрдам, иштараф – жарима, печат – муҳр... Агарда тил ва адабиётимизни муҳофаза қилмай, анга ажнабий луғат ва сўзларни қўшаберсак, бир оз замонда тил ва миллатимизни йўқотурмиз. Миллатимизни йўқотганда, диёнатимиз ўз-ўзи ила албатта йўқолур”. Кошкийди, бу сўзлар қачон ёзилганини билмасам... Муаллиф айтган муаммолар ҳозирги пайтда ҳам айни ўша даврдаги каби долзарб. Миллий руҳ, миллатга ҳурмат кучли бўлмаса, бундай муаммолар юз кўрсатаверар экан-да...

Албатта, бу каби муаммолар фикрлайдиган, бефарқ бўлмаган ҳар бир одамни ўйлантириши зарур. Агар бутун жамият бирлашса, ечилмайдиган масала қолмаслиги аён. Бунинг учун жадид боболаримизнинг “Тилда, фикрда, ишда бирлик” ғоясига амал қилмоқ зарур.

Нурбой ЖАББОРОВ,
филология фанлари доктори, профессор.

ЯНГИ НАШР

“ЖАДИД”НИНГ ИЛК СОНИНИ ЎҚИДИНГИЗМИ?

Газета лотин ва кирилл алифболарида чоп этилди. Жами адади 17 156 нусха. Шундан, лотин ёзувидагиси 12 356, кирилл ёзувидагиси 4800 нусхада нашр этилди.

Ушбу газета Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг ташаббуси билан “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетаси негизида ташкил этилди. Нашр муассислари — Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Республика Маънавият ва маърифат Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси, Миллий масс-медиани қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди ҳамда “Шаҳидлар хотираси” жамоат фонди ҳисобланади.

Газетанинг илк нишона сонида Давлатимиз раҳбарининг халқимизга Янги йил табриги, Президентимизнинг “Жадид” газетаси жамоаси ва муштарийларига йўллаган тилаги, шу йилнинг 22-декабрь куни Республика Маънавият ва маърифат кенгашининг кенгайтирилган мажлисидаги Президентимиз нутқидан иқтибослар, шунингдек, “Давр руҳи”, “Оина”, “Жамият”, “Фикр майдони”, “Тамаддун”, “Боқий мерос” сингари саҳифаларида халқимизнинг таниқли зиёлилари бўлган Иброҳим Ғафуров, Ҳамидулла Болтабоев, Баҳодир Каримов, Олимжон Давлатов, Хуршида Қўчқорова, Шаҳноза Назароваларнинг ранг-баранг мақолалари, мушоҳадалари ўрин олган. Шубҳасизки, нашрда жадид боболаримиздан Беҳбудий, Авлоний, Чўлпон ва Қодирийлар ижодидан намуналар эълон қилинган. Бундан ташқари, ёш иқтидорларнинг ижод намуналарига ҳам ўрин берилган.

Ўйлаймизки, “Жадид” халқимиз зиёлиларининг севимли минбарига, ҳур фикрларга иштиёқи баланд юртдошларимизнинг энг ўқишли, қизиқарли нашрларидан бирига айланади.

М.ТЎРАЕВ

ҚУТЛОВ

ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ ЖАМОАСИ

АЗИЗ ХАЛҚИМИЗНИ, БАРЧА ҲАМКАСБЛАР ВА ЁШЛАРНИ
ЯНГИ — 2024 ЙИЛ БИЛАН ҚУТЛАЙДИ!
МАНА ШУ ШУКУҲЛИ ДАМЛАРДА МЕҲНАТКАШ ВА
БАҒРИКЕНГ ЭЛИМИЗГА МУСТАҲКАМ СИҲАТ-САЛОМАТЛИК,
ОИЛАВИЙ БАХТ, ХОНАДОНЛАРИГА ТИНЧЛИК ВА
ФАЙЗУ БАРАКА ТИЛАЙДИ.
ЁШЛАР ВА БИЗНЕСНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ЙИЛИ
МУБОРАК БЎЛСИН!

ТУРКИЙ ДУНЁ ОВОЗИ БАЛАНД ЯНГРАМОҚДА

ТУРКИЯНИНГ АНҚАРА ВА ИСТАНБУЛ ШАҲАРЛАРИДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ТАШАББУСИ БИЛАН НАШР ЭТИЛГАН “ТУРКИЙ АДАБИЁТ ДУРДОНАЛАРИ” ЮЗ ЖИЛДЛИ КИТОБЛАР МАЖМУАСИНИНГ ТАҚДИМОТЛАРИ БЎЛИБ ЎТДИ

1-6.

Айтиш жоизки, бу шунчаки юзта китобдан иборат оддий бир тўплам эмас, аксинча, туркий дунёнинг кўпминг йиллик тарихини қамраб олиш, инсоният маданий онгининг эволюцион даврларини белгилаш, аждодларимизнинг илмий-маърифий, маданий орзу-интилишлари ва амалий саъй-ҳаракатларининг ёрқин ифодаси сифатида майдонга келди. Ундан ўрин олган адиб ва мутафаккирлар ижоди асрий бирликни, қадимий илдизларни, руҳий-руҳоний қувватларнинг қайга ва нималарга бориб туташишини яққол кўрсатиб берадиган бир манбадир.

“Туркий адабиёт дурдоналари”нинг тақдимоти дастлаб Туркиянинг Анқара шаҳрида, Туркия Президенти Халқ кутубхонасида Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси, Ўзбекистон Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, ТУРКСОЙ халқаро ташкилоти, Туркия Республикаси Президентининг Халқ кутубхонаси билан ҳамкорликда ташкил этилди.

Маросимда ТУРКСОЙ ташкилоти Бош котиби Султон Раев, Ўзбекистон Президенти маслаҳатчиси Хайриддин Султонов, Туркия Буюк миллат мажлиси депутати, Туркия–Ўзбекистон парламентлараро дўстлик гуруҳи раҳбари Усмон Местен, Анқара Ҳожи Байрам Вали университети ректори Меҳмет Нажи Бостанжи, Туркия кутубхоналар бирлашмаси раҳбари, Туркия Халқ кутубхонаси директори Айҳан Туғли, Ўзбекистоннинг Туркиядаги элчиси Алишер Аъзамхўжаев ва университетларнинг профессор-ўқитувчилари, дипломатик корпус ва оммавий ахборот воситалари вакиллари, ёзувчи ва шоирлар, китобхон талабалар иштирок этишди.

Тақдимот маросимидан олдин Халқ кутубхонасида ТУРКСОЙ ташкилотининг Ўзбекистонга бағишланган фото кўргазмаси ташкил этилди. Бу фотосуратларда юртимизнинг ноёб табиати, осори атиқалари билан бирга турли урф-одат ва маросимлари, сўнгги йилларда мамлакатимизда амалга оширилган улкан ислоҳотлар ўз ифодасини топгани билан ташриф буюрганларда катта қизиқиш уйғотди.

Анжуманда сўзга чиққан ТУРКСОЙ Бош котиби Султон Раев Ўзбекистоннинг Туркий давлатлар кенгашига аъзо бўлиб киргандан кейин қардош давлатлар ўртасидаги илмий, маданий, адабий алоқалар янгича мазмун ва моҳият билан бойиб бораётганини, бугун тақдимоти ўтказилаётган “Туркий адабиёт дурдоналари” мажмуаси бу борадаги самарали ҳамкорликнинг яна бир далили эканини таъкидлади.

Ўзбекистонда олиб борилаётган ислоҳотлар, биринчи галда маданият, адабиёт ва санъатга берилаётган юксак эътибор ва бу йўналишда амалга оширилаётган ишлар кўпчилик учун ҳар томонлама ўрнак бўлаётганини, ушбу юз жилдлик нашр нафақат Ўзбекистон, балки барча туркий давлатлар учун бирдек муҳим аҳамиятга эга бетакрор лойиҳа эканини қайд этди.

Анқара Ҳожи Байрам Вали университети ректори Меҳмет Нажи Бостанжи китобларнинг ёзма манба ўлароқ инсоният тамаддунида тутган ўрнига тўхталиб ўтди. Энг муҳими, дея таъкидлади у, бу тамаддунларда муҳим илмий кашфиётлар учун манба бўлиб хизмат қилаётган ушбу нодир манбалар бизнинг ота-боболаримиз томонидан яратилганлигидир. Бу юз жилдлик, ҳеч шубҳасиз, олис тарихдан то бугунги кунгача етиб келган туркий тамаддун ҳужжатлари исботидир.

Ўзбекистон Президентининг маслаҳатчиси Хайриддин Султонов анжуманда “Туркий адабиёт дурдоналари” 100 жилдлиги лойиҳасининг амалга оширилиш тарихи, унинг туркий халқлар маънавий ҳаётида, ёшлар тарбиясида тутган ўрни ва аҳамияти ҳақида маъруза қилди.

Таъкидлаш жоизки, ушбу мажмуадан умумтуркий адабиётнинг энг етук намуналари, Туркий давлатлар ташкилотига аъзо Ўзбекистон, Туркия, Қозоғистон, Қирғизистон, Озарбайжон, шунингдек, кузатувчи мамлакатлар – Туркманистон ва Венгрия давлатларидан жами 450 дан зиёд атоқли шоир, адиб ва мутафаккирларнинг баркамол асарлари ўрин олгани унинг кўлами ва миқёсидан далолат беради.

Маърузачи ўз сўзи якунида Туркий давлатлар ташкилотининг Алишер Навоий номидаги халқаро мукофоти совриндори, атоқли қирғиз ёзувчиси Чингиз Айтматовнинг 95 йиллик таваллуд айёми барча туркий халқлар томонидан кенг нишонланганини, шу муносабат билан Ўзбекистонда ҳам кўплаб тадбирлар ўтказилиб, адибнинг 10 жилдлик асарлари ўзбек тилида нашр этилганини қайд этди.

Шу билан бирга, Ватанимизнинг буюк ўтмиши, халқимизнинг ўлмас қадриятларидан бугунги авлодларни баҳраманд этиш, уларни

дунё маданий жамоатчилигига кенг танитиш мақсадида юртимизда “Ўзбекистон маданий мероси жаҳон тўпламларида” халқаро мультимедиа лойиҳасини амалга оширишга киришилгани, бугунга қадар мазкур лойиҳа асосида “Ўзбекистон маданий мероси” туркумидаги 50 жилдлик китоблар тўплами нашр этилганига эътибор қаратилди.

Тадбирда “Туркий адабиёт дурдоналари” 100 жилдлиги, Чингиз Айтматов танланган асарларининг 10 жилдлиги, “Ўзбекистон маданий мероси” 50 жилддан иборат тўплами Туркия Президенти Халқ кутубхонаси ҳамда ТУРКСОЙ ташкилотига тақдим қилинди.

Туркия Президенти кутубхоналар бирлашмаси раҳбари, Халқ кутубхонаси директори Айҳан Туғли қимматли китоблар учун кутубхона маъмурияти ва китобхонлар номидан самимий миннатдорлик билдирди.

Ушбу муҳташам маърифат кошонаси 2015 йилда Туркия Президенти Режеп Таййип Эрдоғаннинг ташаббуси билан қурила бошланган. Кутубхонанинг расмий очилиш маросими 2020 йилда бўлиб ўтган, унда Ўзбекистон Президенти бошчилигидаги делегация ҳам иштирок этган.

Бугунги кунда дунёдаги энг катта кутубхоналардан бири дея эътироф этилаётган илм-фан ва маданият саройининг умумий майдони 125000 м2 дан иборат бўлиб, у бир вақтнинг ўзида 5500 кишига хизмат кўрсата олади. Йигирма тўрт соат мобайнида узлуксиз ишлайди ва бу даргоҳга ташриф буюрувчи китобхонлар, асосан, мактаб ўқувчилари ва талабалар бепул иссиқ овқат ва чой билан таъминланади.

Чиндан ҳам, китоблар – миллатнинг уйғоқ хотирасидир. Хотирасини эъзозлай олмаган миллат олға бора олмайди.

“Туркий адабиёт дурдоналари”нинг кутубхонамизга ҳадя этилиши бизни ниҳоятда қувонтирди. Энг муҳими, бу буюк меросни ўрганишга бўлган ёшларнинг қизиқиши ҳаммамизни хурсанд қилди. Бизга Ўзбекистон томонидан ҳадя этилган бу китоблар кутубхонамизнинг энг тўрида сақланадиган, китобхонларимизга энг кўп тавсия этадиган адабиётлар бўлиб қолишига ишонаман” деб таъкидлади Айҳан Туғли.

Юз жилдлик мажмуа, шунингдек, “Ўзбекистон маданий мероси” тўпламларининг тақдимот маросими Истанбул шаҳрида жойлашган Туркий давлатлар ташкилотининг Котибияти қароргоҳида ҳам бўлиб ўтди.

Туркий давлатлар ташкилоти Бош котиби Кубаничбек Омуралиев ўз нутқида Ўзбекистоннинг Туркий давлатлар ташкилотида тутган ўрнига юксак баҳо берди. Самарқандда бўлиб ўтган саммитда Туркий давлатлар ташкилоти юзага келгани, мазкур ташкилотнинг ўрни, мақоми ортганини алоҳида эътироф этиб, бунинг учун Ўзбекистон Президентига миннатдорлик билдирди. Ўзбекистон тарафидан илгари сурилаётган ташаббуслар Туркий давлатлар ташкилоти фаолиятини янада кучайтиришга хизмат қилаётганини, “Туркий адабиёт дурдоналари”ни дунёнинг бошқа тилларига таржима қилиш Ташкилот олдида турган муҳим масалалардан бири эканини қайд этди.

Тадбирда Ўзбекистон Президенти маслаҳатчиси Хайриддин Султонов сўзга чиқди.

Тақдимот доирасида Туркий давлатлар ташкилоти кутубхонасининг очилиш маросими ҳам бўлиб ўтди.

Анжуман иштирокчилари томонидан айтиб ўтилганидек, мажмуадан ўрин олган асарлар асосан аслиятдан таржима қилингани билан аҳамиятлидир. Бу каби улкан ва муҳим лойиҳалар халқларимизни бир-бирига янада яқинлаштириш билан бирга, зиёлиларимиз, олим ва адибларимиз олдига янги вазифаларни ҳам қўяди.

Боболаримизнинг эзгу орзуси бўлган туркий давлатлар бирлиги бу – 160 миллионлик иқтисодий имконият, 160 миллионлик маданий ҳудуд, 160 миллионлик тафаккур кенглиги, 160 миллионлик мудофавий бирлик ҳам деганидир. Бу бирликка қадам-бақадам эришиш учун эса олдимизда ҳали кўплаб вазифалар турибди. Шундай вазифалардан бири – маданий-гуманитар ҳамкорликни ҳар томонлама кучайтиришдир. Бу борада Ўзбекистон Президенти томонидан илгари сурилган “Туркий халқлар хартияси” таклифи муҳим аҳамиятга эга.

Тилшунос, адабиётшунос олимларимиз муштарак меросимизни ҳамкорликда ўрганиши, биргаликда тадқиқ этишида “Туркий адабиёт дурдоналари” мажмуаси намуна бўлиб хизмат қилиши лозим бўлади. Яъни, бу асарлар муҳим ҳодиса сифатида бугунги адабий жараёнлар майдонида янги ғоя, янги фикр ва янги изланишлар, янги адабий кашфиётлар эшигини ҳам очиб беради. Ўтмишни ўрганиш, ундан зарур сабоқ ва хулосалар чиқариш, руҳий қувват олиш келажакда ҳам бирлашишга, тафаккур ва маданиятда, ҳар жабҳада яқинлашишга пухта пойдевор яратади.

Жаббор ЭШОНҚУЛОВ,
филология фанлари доктори,
профессор.

ЭССЕ

ҚИЗИЛҚУМНИНГ “КАМАЛАГИ”

Қизилқум кенгликларига қалин қор тушди. Қора совуқда оппоқ кўрпадек тўшалиб ётган ердан буғ кўтарилди. Қўй-қўзилар жунларини сикитишди, улар явшан ва саксовул баргларини “чангини чиқаришар”, бир-бирлари билан маъраишиб гаплашишар, осмон тоқидаги булутларга қараб қўйишарди. Навоий шаҳри марказидан икки юз эллик чақирим ичкарида Қизилқум бағрида жойлашган Конимех туманидаги Учтепа овул фуқаролар йиғини ҳудудидаги “Қизилқум чорва” кластери йигирма олти минг бош қўй-қўзи, етмиш бош туя, йигирма бош йилқи парваришланмоқда. Олтмиш нафар тажрибали, ҳаётнинг пасти-баландини кўрган чорва билимдонлари майда шохли молларни қаҳратоннинг изиллама совуғидан беталофат олиб чиқиш ниятида табиат инжиқликларига мардонавор туриб тер тўкмоқдалар. Илиқ кунларда қўра-кўтонларнинг таъмирдан чиқарилганлиги, сув масаласининг оқилона ечилганлиги, ем-хашак ва озиқ-овқат маҳсулотларининг етарли миқдорда жамғарилганлиги қаҳратоннинг рисоладагидек ўтказишига яқиндан кўмак бермоқда. Қуйида Қизилқум бағрида чўпонлик таёғини муқаддас билган чорвадор Нуркен Исманов ҳақида ҳикоя қилинади.

Олтин мўйна

...Куз олмон заминига очиқ чеҳра билан келди. Гулгун чеҳралардан бир зум бўлсада нур аригани йўқ. Одамлар тирикчилик ташвиши билан банд. Ана шундай серташвиш кунларнинг бирида қуёш эндигина тиғ сочган паллада олмон ҳукмдорининг бир саволдан боши қотди. У шунча йиллар эл-улусни бошқариб ҳам бу хил қалтис, бошоғриқ масалага дуч келмаганди. Шунинг учун ўзини чорасиз одамдек сезди. Чиндан ҳам, Бухоро заминида етиштириладиган қоракўлни қўлга киритиш билан боғлиқ қалтис масала ўзига ишонарли жавоб талаб қилиш асосида хос имтиҳон ҳам эди. У кўнгилнинг минг бир кўчасига кириб чиқди. У ҳозир олмонлар эга чиқиши шарт ва зарур бўлган, уни бойликка кўмадиган Бухоро қоракўл қўйи ва кўчқорини қўлга киритиш ҳақида гап кетаётибди деб фикр қилди. Масалани ичкдек чўзишга ҳожат йўқ. Зарур бўлса бунинг учун олтинни ҳам аямайди. Ҳукмдор шуларни ақл торозусида тортиб, элчини чақиришни аъёнларига буюрди. Зум ўтмай ҳузурида элчи ҳозир бўлди. Кўнглидагини элчи айтди. Элчи бир минг тўққиз юз ўнинчи йилда Бухорои шарифга ташриф буюради. Амир билан учрашиб унинг кўнглини ийдиришга муяссар бўлади. Алал-оқибат ўн беш бош совлиқ ва икки бош кўчқорга эга чиқади. Бухородан олиб борган қўй-кўчқорларни юртимиз иқлимига ўхшаш жой Намбияда парваришлай бошлайди. Тез орада қўйлар бу ер иқлимига мослашади ва сифатли маҳсулот бера бошлайди. Бу ҳол ҳукмдорни қувонтиради. Шундан сўнг яна олмонияликлар Амир Олимхондан элллик бош қўй ҳамда ўн бош кўчқор олиб кетишади. Ўша қоракўл қўйларни чатиштириб, Бухоро қоракўлига ўхшаш, қимматбаҳо мўйна берувчи “Сварка” деб номланган янги зотга асос солишади. Қизиғи, “Сварка” қоракўл терилари дунёда энг қимматбаҳо ва сифатли ҳисобланади. Битта терининг нархи олтмиш доллардан икки юз долларгача баҳоланади. Маълумотларга қараганда бугунги кунда Набияда йилига бир юз қирқ минг донадан ортиқ қоракўл тери етиштирилади. Тағин бир гап. Афғонистонда ҳам Бухородан олиб келинган насли қўйлар асосий ўрин тутади. Биргина йигирманчи асрнинг бошларида Афғон тупроғига Бухородан бир миллион бошдан ортиқ қоракўл қўйлари ҳайдаб кетилган. Ҳозирга келиб Афғонистоннинг ўн тўққизта вилоятида шу зотдаги қўйлар боқилади.

Эл орасида қоракўл қўйлари саккизинчи асрда араб қўйлари зотлари билан чатиштириш натижасида пайдо бўлган деган гаплар юради. Ҳозирги давр юртимизнинг баъзи бир жойларида жоновлар “Араби қўйлар” деб аталади. Негаки, бу зот Бухоронинг Қоракўл мавзесида боқилгани учун илмий тилимизга Қоракўл атамаси билан кирган. Қоракўл терисидан тайёрланган шубалар-у, бош кийимлар қошида узоқ қолиб кетамиз. Унинг сержило мўйнаси қуёшда ял-ял товланиб, кўзни олади. Шунинг учун ҳам Ангилиядаги кибор хонимлар қоракўл терисидан тикилган шубаларни ёқтиришади. Алҳол қоракўл қўйларининг тўп илдизи, негизи Ўзбекистон заминидадир. Бир маҳаллар юртимиз дунёга мўъжизакор қоракўл терилари асосида донг таратган эди. Айнан ана шу нарса бош чўпон Нуркен Исмановга ўзгача ғурур, ифтихор бағишлади.

Ой шом еган кеча

Чўпон қавми ой шом еб чиқмаган қоронғу, зим-зиё кечаларни “Тошқаронғу кеча” деб атайдилар. Итнинг қаттиқ ҳуришидан сергакланган Нуркен чўпон қўтондаги қўйлардан хабар олгани чиқди. Кеча тим-қоронғу. Негадир шу қоронғуда қўтондан таралаётган ёруғлик чўпонни ўша томонга юришга ундади. Бориб қараса, қўйи тўғибди. Қоронғу кечани ёритган нур шу қўзичоқдан таралаётган экан. Бунинг сири чўл қуёши, серўт яйлов, тиллоранг шувоқда бўлса не ажаб деб ўйлади. Негаки, шувоқ таркибида олтин зарралари мавжуд. Айтганча, шувоқ тупроқининг таркибидаги олтин зарралари тупроқдан ўтади.

Уни еган қўй эса олтин мўйнали барра туғади. Буни турган-битгани мўъжиза эмасми?

Шунинг учун қўйчилик соҳасига “туёғидан шохигача даромад манбаи” деган таъриф берилади. Бунда тўлиқ асос бор. Негаки, қоракўл қўйларидан қимматбаҳо мўйнадан ташқари, гўшт, сут, жун каби маҳсулотлар ҳам олинадики, буларнинг бариси мўмайгина даромад келтирувчи манбадир. Қизилқумда ота-боболаримиз дармонсизликка ва сил касаллигига чалинган беморларни тул мавсуми (қўзилатиш мавсуми) бошланган пайтда отар бошига келтириб, янги соғилган қўй сути билан даволаганлар.

Айдаркўл соҳилга урилаверар

...Оёқ остида сон-саноқсиз майсалар ниш урган бўлсада, баҳорнинг борлиқни қиздирувчи қуёши секин олов селини пуркайди. Шарқ томондан чиққан қуёш ниҳоят Қизилқум ортига бош қўйиб, Айдаркўл тарафдан салқин шабада уфуради.

Дод солиб йиғлайди момогулдирак,
Ёмғир айрилиқдан беради дарак.
Айдаркўл соҳилга урилаверар,
Тўлқинлар тошиб қуйилаверар...

Тун қоронғулик қаърига чўкди. Кўк чаманида сон-саноқсиз юлдузлар хиром айлади. Нуркен оға ситоралар чаманидан кўз олмай қолди.

Тўлин, жилвагар ой бор бўйича нур таратди. Қалин, ўтиб бўлмас тўқайзор оғир, хомуш хўрсинади. Пастлиқда Айдаркўл шағиллайди. Катта сувликнинг аллақандай қўрқинчли овоз чиқариши аниқ-тиниқ қулоққа чалинади. Осмонда сузиб юрган чиройли қамар одам кўзини қамаштиради. Болалигида тенгқурлари билан бу ерда қор-ёмғирдан қочиб, кўп беркинган. Айнан қўл соҳилидаги мана шу жой уларга бошпана бўлган. Нуркен оға ана шу дамларни ёдга олиб, энтикиб қўйди. Дарҳақиқат, кўлнинг ҳар икки қирғоғи ҳам ажойиботу, сир-синоатга бой эди. Ҳозирда бу кенгликларда оғайни узангидошлари қўй боқади. Вақти-вақти билан улар ёнида бўлади. Дардлашади, тажриба ўрганади.

Қорачадан келган новча, кенг елкали, бармоқлари чайир, қарашлари тийрак Нуркен Исманов қўйларсиз, чорвасиз тамоғи қақраб, чақнаб қолаётгандай сезади ўзини. Нега шувоқ ўтини еган, чангитган совлиқнинг ранго-ранг қумушранг тусли қўзи териси инсон ақли заковатини, тинчини, оромини ўғирлайди. Икки минг йигирма учунчи йил Нуркен Исмонов оиласи учун омадли келди. Негаки, у кишининг турмуш ўртоғи Нурбиби Сариева Президентимиз Фармонига кўра “Дўстлик” ордени билан тақдирланди. Ҳозирда чўпон аёли ва фарзанлари билан беш юз бош қўйни қишловдан эсон-омон, талофатсиз олиб чиқиш учун астойдил жон куйдирмоқда.

Саҳро бағрида қуёш панеллари

Чор-атроф бийдай саҳро. Инсон зоти кўринмайди. Шамол ожизгина, этидан узилган ғармаларни осмону фалакка кўтариб учиради. Нуркен оға бош чўпонлик қилаётган отар хўжаликнинг иккинчи бўлимига қарашди Жумақул қудуқ яйловида кўним топган. Бу жой ўзининг бетакорор манзаралари ҳамда беқарор шамоли билан машҳур. Худди ана шу манзилдаги чўпон қўналғасида қуёш панеллари ўрнатилган. Ҳозирда қуёш энергиясидан фойдаланиш соҳасидаги энг фойдали йўналишлардан бири бу биноларни қуёш панеллари ўрнатиб, қуёшдан етарлича электр қувватини олишдир. Буни яхши англаб етган “Учтепа кластер” масъулияти чекланган жамияти раҳбари Мурод Раисовнинг саъй-ҳаракати ва елиб югуриши натижасида чўпон отарига 4 киловатли қуёш батареялари ўрнатиб берилибди. Бу энди Навоий шаҳри марказидан икки юз эллик чақирим олисда, саҳро бағрида ҳам доимо электр қуввати узлуксиз бўлиб туради дегани! Тағин бир гап. Яқин-яқинларгача чўлда сув муаммоси мавжуд эди. Қудуқ қурилиши масалани оппо-осонгина ечди.

Мен билан бирга хўжаликнинг Испанқудуқ фирмасига борган Навоий вилояти Конимех туманидаги Учтепа овул фуқаролар йиғини ҳудудидаги “Қизилқум чорва” кластери раҳбари Мурод Раисов ўнқир-чўнқир йўл адоғидаги яйловда ўт чимдиб юрган қўйларни узоқ кузатиб турди. Очиғи, икки ярим минг аҳоли умргузоронлик қиладиган Қизилқумдаги мазкур “Қизилқум чорва” кластери асосан чорвачиликка ихтисослаштирилган. Кенгликлар бағрида йигирма олти минг бош қўй-қўзи, етмиш беш бош туя, йигирма бош йилқи ёйиб ўтлатилади. Бу юмуш билан ҳозирда олтмиш нафар чўпон банд. Хўжаликнинг икки юз эллик минг гектардан ошиқ поёнсиз яйловларининг бир учи Қозоғистоннинг Қизил Ўрда вилоятидаги Чордара тумани ҳамда Навоий вилоятининг Абай, Бирлик, Оёққудуқ кенгликларига бориб уланади. Ўтган йиллар бадалига хўжаликнинг Жумақул бир, Жумақул икки, Сайманқудуқ, Шампанқудуқ, Давлатёр, Янгиқудуқ, Эранқудуқ отлиғ манзилларида қут-барака, тўкинлик манбаи бўлган сув масаласини ўнглаш ниятида ўнлаб қудуқлар қазилди. Ҳозирда бу қудуқлардан меъёрида тириклик манбаи чиқиб турибди. Қишловда чиқимга йўл қўймаслик, чорва бош сонини бехатар олиб чиқиш масадида хўжаликда уч минг тонна дағал хашак ва етарлича ем, озуқа жамғарилди. Чўпон отарларига иссиқ кийим-кечак ва етарли миқдорида озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминланиб турибди. Бу юмуш Навоий вилояти ҳокимлигининг доимий диққат марказидадир.

Етмишвойнинг КЕЛИНИ

Тун қўйнида эски пахтадек, тўдаланиб ётар оппоқ қор деганлардек оппоқ, кўрпадек момиқ қорли қиш она ерни тўйдирди, энди етилган хамирдек кўпчиб, оби-тобига келаётган ер эл-улусни қалбини севинча ошнино қилади. Ахир бежизга халқимиз тегирмон навбати билан демайдида.

— Негадир қувноқ ва беғубор болалик чоғларимда, қиш-қировли кунлар этагини йиғиб, кўкламой кириб келаётган кунларда бобом худди танга топиб олган боладек шод ва фавқулодда тетик бўларди, — дея ҳикоя қилади Нуркен Исманов. — Ўша кезлари бир учи кенг ва поёнсиз уфқларга туташиб кетган ёбон ва боғу-роғлар деҳқон дилидай оқ, қишлоғу овуллар, аймоқлар, қўрғонлар заргар қўлидаги кумушдек жилоланиб кетарди. Ўшанда бобом сўзлаб берган тубандаги ҳикоя то ҳанузга қадар хаёлимдан кетмаган. Уни сизга илиндим.

Кўчадан ҳовлиқиб шошиб келган Етмишвой ҳа деганда ўз-ўзига сиғмас эмиш. Отаси ўғлидан нега бунчалик жонсараксан, ишқилиб ортингдан бўри-мўри қувиб келмаётирми? – деб сўрабди. Шунда Етмишвойни оғзидан кўпиги сачраб, кўзлари ёниб, қарға дегани кетди, қуёш озод чиқиб кун илиди. Энди уйда тухум босган курк товуқдек ётиб бўлмайди. Бу на Худога, на бандасига хуш келади. Бугуноқ сурувни ҳув олисдаги яйловга ҳайдаб кетаман. Бу гапни кимсан ўз жигари оғзидан эшитган кўпни кўрган ота бирдан ҳовлиқма, ҳали бироз эрта, сабр қил дебди ўғлига. Бойчечак ердан аллақачон бош кўтарган бўлса, тағин яна нимани кутишим керак деб қисти бастига олибди қайсар ўғил. Ҳой ақлсиз, тентак, улкан тоғ-тош, чўли-биёбондаги оқ-қиров, аямажуз деган гаплар борлигини унутдингми? Менга балоям урмайди, дарҳол хуржунга қозон-қумғон ва бошқа буюмларни жойла, деб аёлига зўғум қилибди. Аёл шўрлик лом-лим демасдан эри амрига бўйсиниб, унинг айтганини тезда бажо келтирибди.

Тоққа, кенг яйловга етар-етмас кучли, аччиқ изғирин эсибди, шамол қутирибди. Қор ёғиб, чорва унинг остида қолиб, ҳалок бўлибди. Ўша воқеадан сўнг Қизилқум тарафларда ҳутга яқин кунларни “Етмишвойнинг келини” деган ажабтовур ном билан атайдиган бўлишибди. Алҳол, Етмишвойнинг келини чорвадорга барвақтроқ бўлсада, аммо деҳқон билан боғбонга айни пайти бўларкан.

Чўл гиёҳларининг ажиб таровати Нуркен Исмоновга болалигини, Қизилқум саҳросининг поёнсиз, уфқларга туташ кенгликларида тенгқурлари билан мол боқиб юган кезларида эшитган халқ таомил ва урф-одатларини кўз ўнгида гавдалантиради.

Қиш. Изғирин қаҳратон. Қизилқумнинг овлоғу ҳувиллаган, беадад текисликларида қўл тегмаган саксовул ва явшанзорлар қирмизи тусга кириб, табиат бамисоли ҳар йилги оғир ва машаққатли оғир меҳнатдан сўнг нафас ростлаётгандек. Айни кезда жамики мавжудот бахтиёр мамундек туюладиган энг сўлим палла эди. Қор шаклида осмондан ёғар атиргул, Қордек оппоқ бўлсин бу кун кўнгиллар. Хулласи калом, ҳамма ёқ оппоқ, момиқ қор кўрпаси билан қопланган.

Улуғбек ЖУМАЕВ.

УЮШМА ФАОЛИЯТИДАН

УСТОЗЛАРГА ЯНГИ ЙИЛ СОВҒАСИ ТОПШИРИЛДИ

Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси раиси в.б. Холмурод Салимов, уюшманинг Навоий вилояти бўлими раиси Отабек Аслонов ҳамда бўлимнинг Фахрий журналистлар кенгаши раиси Иброҳим Жумаев янги йил байрами арафасида, яъни 31 декабрь куни Навоий вилоятининг олис туманларида яшаётган фахрий журналистлар ҳолидан хабар олди. Уларга уюшма совғаларини топширди.

Тоҳир Абдиев — иқтидорли ижодкор Хатирчи тумани ҳокимлиги муассислигидаги “Хатирчи ҳаёти” газетасида кўп йиллардан буён меҳнат қилиб келади. “Хўжаобод” маҳалласида яшовчи устоз журналист бу йил 67 ёшни қарши олди.

— Янги йил арафасида кўрсатилган бундай эҳтиром кўнглимга байрам шукуҳи билан ҳамоҳанг чексиз қувонч бағишлади, – деди Т.Абдиев. – Уюшмамизнинг бу эътибор ва эъзозидан кўнглим тоғдай кўтарилди. 2024 йил барчамизга муборак бўлсин! Мамлакатимизда ҳукм сураётган тинчлик-осойишталик, хотиржамлик бардавом бўлсин. Янги йилда юртимиз янада тараққий этсин, миллий журналистикамиз, медиа соҳа ривожланаверсин.

— Бундан ўттиз йилча аввал туғилиб ўсган қишлоғим – Исломободга табиий газ келганди. Йўлим тушиб “Хатирчи ҳаёти” таҳририятига кирганимда, таниқли журналист Тоҳир Абдиев ана шу янгилик ҳақида туманимиз газетасига материал ёзиб келишимни айтганди, – деди Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси раиси в.б. Х.Салимов. – Ўша пайтлари СамДУнинг ўзбек филологияси факультети журналистика бўлими 1-курс талабаси эдим. Устоз ёзган хабаримни таҳрир қилиб бергани, у кишидан соҳамизга оид кўп сабоқ олганим, илк материалим туманимиз газетасида эълон қилингани кечагидек эсимда.

Уюшма вакилларининг кейинги манзили вилоятдаги “Солиқчи” газетасининг муҳаррири сифатида узоқ йиллар меҳнат қилиб, соҳа ривожига муносиб улушини қўшган, айни кунда Нурота туманининг энг олис “Қирҳовут” қишлоғида истиқомат қилиб келаётган уюшма аъзоси Абдумутал Норбоевнинг хонадони бўлди.

— Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан журналистикамиз ривожига алоҳида эътибор қаратилаётганидан хурсанд бўламан, – деди Абдумутал Норбоев. – Ана шу эътибор доирасида биз каби фахрий журналистларнинг ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватланиши учун шароит яратиб берилгани алоҳида эътиборга молик. Бунинг учун Давлатимиз раҳбаридан беҳад миннатдормиз.

ТАҲРИРИЯТ ХОДИМЛАРИ БЕПУЛ САЁҲАТ ҚИЛАДИ

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Самарқанд вилояти Кенгаши “Зарафшон” газетасининг 110 ҳамда “Самаркандский вестник” газетасининг 105 йиллиги муносабати билан таҳририятнинг барча ходимлари учун 2024 йил давомида Хоразм вилоятига уч кунлик ва Тошкент шаҳрига икки кунлик бепул саёҳат қилиш имкониятини берувчи сертификат топширди.

— Очиғи, журналистлар хизмат сафарлари билан бу шаҳарларга боради, аммо мақола ё репортаж тайёрлаши зарурлиги боис уларнинг ўзи учун вақти бўлмайди, – деди Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси вилоят кенгаши раиси Суҳроб Рафиқов. – Бу гал ундай бўлмайди. Журналистлар фақат саёҳат қилади, тарихий жойларни томоша қилишади, мароқли дам оладилар. Бизнинг журналистларга Янги йил туҳфамиздан мақсад шу.

ТАҲРИРИЯТДА ЙИЛ САРҲИСОБИ

“Хоразм ҳақиқати” — “Хорезмская правда” газеталари бирлашган таҳририяти қошида фаолият олиб бораётган “Маҳорат мактаби” машғулотларида ўнлаб иқтидорли ёшлар фаол иштирок этишади. Шунингдек, таҳририят билан жамоатчи мухбирлар ҳамкорлиги ҳам йўлга қўйилган.

Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси Хоразм вилояти бўлими билан ҳамкорликда ташкил этилган тадбирда “Хоразм ҳақиқати” — “Хорезмская правда” газеталари бирлашган таҳририяти бош муҳаррири Солияжон Раҳимберганова, уюшма вилоят бўлими раиси Ўткир Матқурбанов, Олий Мажлис Сенати аъзоси Фароғат Саъдуллаева, “Нуроний” жамғармаси вилоят бўлими раиси Маткарим Жуманиёзов қатнашди. Газетанинг фаолиятида жамоатчи мухбирларнинг иштироки, “Маҳорат мактаби” тингловчиларининг маҳоратини ошириш хусусида сўз юритилди.

Йил давомида энг фаол бўлган жамоатчи мухбирлар, “Маҳорат мактаби” тингловчилари таҳририят ташаккурномаси, эсдалик совғалари билан рағбатлантирилди.

Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси Ахборот хизмати.

ҚУТЛОВ

ЁД ЭТИБ

ҲАҚ СЎЗЛИ ИНСОН ЭДИ...

Матбуотга умрини бағишлаган инсонлар жуда кўп. Аммо бир умр одамлар ташвиши ва ғами учун яшаган журналистлар ҳақида ўйлаганимда, Сафар ака кўз ўнгимга келади. Чунки Сафар Остонов ҳар куни кимнингдир бир муаммоси билан яшар эди. Доим иш, газета деб яшади. Билмадим, бирор дам олиш масканига бориб ҳордиқ чиқариш ҳақида ўйлаганмиди? Ўйлаган бўлса ҳам бунга амал қилган эмас.

“Ўзбекистон овози” ва “Голос Узбекистана” газеталари Бош муҳаррири бўлиб ишлаган йилларида бу инсонни яқиндан билдим, маълум муддат бирга ишлаш насиб этди.

Сафар акани билганлар, яқиндан таниганлар жуда яхши билишади: у матбуотни чин юрақдан яхши кўрар эди. Шунинг учун хатто шанба-якшанба кунлари ҳам ишхонада бўлар, нималарнидир қоралаб ўтирарди. Эринмасди, ҳар бир мақолани синчиклаб ўқир, моҳирона таҳрир қилар эди.

Шубҳасиз, Сафар Остонов жуда кучли журналист, жасоратли инсон эди. Қанча одамларни ноҳақликдан ҳимоя қилди, ҳатто вақтида неча-нечаларнинг қамоқдан озод бўлиб кетиши учун кўмак берди. Ана шундай воқеалардан бирини жуда яхши эслайман.

Ўшанда Сафар ака юқори давлат идорасида ишларди, бир туман газетаси муҳарририни ҳимоя қилиб бир саҳифалик мақола ёзди. Бу мақола шу қадар шов-шув бўлгандики, республиканинг деярли барча нашрлари уни кўчириб босди. Энг муҳими, қамоқдаги журналист озод этилди, қандайдир айбларни уюштирган ўша туманнинг қанча корчалонлари эса вазифаларидан озод этилди.

Буни эслаётганимга сабаб шуки, орадан бир қанча йиллар ўтгач, Сафар ака ҳимоя қилган ўша туман газетаси муҳаррири Сафар Остоновни ўз нашрида уриб чиқди, виждонсизларча тутуриксиз бир бўҳтон нарсани чоп қилди. Шу вақтлар Сафар ака билан “Овоз”да бирга ишлардик.

Албатта, Сафар ака қаттиқ хафа бўлди. Аммо ҳеч нарса демади, “Мен уни бир пайтлар ҳимоя қилган эдим, яхшиликни билмас экан, номард ва нонкўр экан” демади. Фақат... устознинг кўзларида ёш милтиллаганини кўрганман, жуда оғир олганини сезганман...

Ҳа, у киши ҳаётда кўп хиёнатларни, туҳматларни бошидан ўтказди. Аммо Сафар Остоновда қандайдир бағрикенгликми ё нима десам экан... кечиримлиликми шу қадар кучли эдики, юқоридаги каби номардлик, хиёнат қилганларни ҳам кечириб юборавераркан, ҳатто яна шу тоифага монанд одамлар ундан нимадир ёрдам сўраб келса, кўкрагидан итармас, қўлидан келса, кўмак бериб юборавераркан эди.

Минг афсуски, кўп йиллар давомида устознинг атрофида ана шундай бир нечта нусхалар худди қўриқчисидай доим бирга юриб, лекин аканинг кўп вақти-ю, асабини еганлар у киши оғир хасталикка чалинган пайтда — ҳаётининг сўнгги кунларида дом-дараксиз, ғойиб бўлиб қолганини эшитдик. Албатта, устоз марҳаматидан баҳраманд “қўриқчилар”и дом-дараксиз йўқолиб қолишмаганда ҳам Сафар ака улардан бирор нарса сўрайдиган, илтимос қиладиган одам эмас эди. Буни шунчаки инсонларнинг турфалиги-ю, одамлар ичида қандай ҳар хил нусхалар борлиги, бу қиёфасизлар содда ва бағрикенг устоздан ҳамиша фойдаланиб келишгани ёдга тушади-да.

Сафар ака ҳаётининг сўнгги кунларида коронавирус балосидан кўп азият чекди ва ана шу бало туфайли ҳаётдан кўз юмди.

Майли, бу гаплар ўз йўлига. Энг муҳими, Сафар Остонов ўзбек матбуотининг катта устунларидан бири эди. Катта публицист эди. Ҳамиша адолат ва ҳақиқат томонида бўлар, ҳақ сўзни доим айта олар эди, жуда бўлмаса энг оғир пайтларда айтишни, айта олишни истар эди.

Сафар Остон мактабидан жуда кўп нарсаларни ўрганиш мумкин. Чунки юқорида эслаганимиздек, у кишидан кимки бирор ёрдам ё маслаҳат сўраб ҳузурига келса, у ҳеч қачон, ҳеч кимга рад жавобини бермас, вақти тиғиз, доим йиғилишу тадбирлардан бўшамаса ҳам, албатта, ҳамма учун вақт ажратар, сабр билан ўзганинг дарду ҳасратини эшитиб ўтирар эди. Ўзгаларнинг дарду ҳасратларини эшитишнинг ўзи осон эмаслигини ҳамма ҳам билавермайди.

Яна бир воқеа ҳеч эсимдан чиқмайди. Мен ўша пайтлари газетанинг Сурхондарё вилоятидаги ўз мухбири бўлиб ишлар эдим. Кимнингдир арзномаси юзасиданми ё бирор мақола тақдири бўйичами, ҳозир тафсилоти аниқ эсимда йўқ, лекин жуда муҳим гап эдики, таҳририятга келдим ва Сафар аканинг ҳузурига кирдим. Ўша вақтлар газета ҳафтасига уч марта чиқар, русча — “Голось” билан 4 марта чоп этиларди. Ўша кун ҳам верстка куни бўлса керак, соат тушдан кейин 3-4лар эди, чамаси. Сафар аканинг иш столи ҳар доимгидек турли ўқилган, ўқилмаган мақолаларга тўла, ўша кунги бир нечта газета саҳифалари ҳам ёйилиб ётар, бунинг устига, устма-уст телефон қўнғироқлари тинмас, уларга эринмай жавоб берар, энди гап бошламоқчи бўлсам, яна “вертушка” жиринглаб қолар, Сафар ака узундан-узоқ телефонда гаплашиб қоларди.

Хуллас, соат кечки 6 лар бўлиб қолди. Менинг эса ичим қисилиб, тезроқ гапимни айтмоқчи бўлардим.

— Сафар ака, демак...

Қанча бирга ишлаган бўлсак ҳам, биринчи марта у киши гапимни бўлиб:

— Майлими, ярим соатдан кейин гаплашсак, – деди у узр оҳангида. Мен шунда:

— Сафар ака, беш дақиқа вақтингизни оламан, масала шундаки...

Шунда Сафар ака:

— Биласизми, ҳозир йиқилиб қоламан. Тушлик қилишга ҳам вақтим бўлгани йўқ, — деди.

Ғалати бўлиб кетдим. Чунки эътибор қилмабман. Устоз жуда чарчаган, чиндан ҳам зўрға креслосида ўтирар эди.

Шундай. Иш деб, газетчилик деб ўзини ўйламас, соғлиги учун ҳам асло қайғурмас эди.

Сафар аканинг инсоний фазилатлари ҳақида ҳам кўп гапириш мумкин. Ҳамма биладиган бир сифати — мардлиги эди. Жасоратли киши эди. Юқорида айтганимдек, ҳар қандай масалада у киши билан фикрлашиш, маслаҳатлашиш ва кўмак сўраш мумкин эди.

Аммо шундай одамлар ҳам ҳаётда борки, бор эмас кўп, хуллас, ундайлар қандай вазифаларда ишламасин, ҳеч кимга бирор наф келтирмайди. Ўзини, нари борса оила аъзолари, жуда яқинларинигина ўйлайди. Улар учун ҳар нарса қилади, чопади, елиб-югуради. Лекин бошқалар учун, “бегоналар” учун қилт этмайди. Халқ ва Ватан ташвиши фақат оғзида, тилида бўлади. Аслида фақат шахсий манфаати учун яшайди, ишлайди. Бундай касларда Виждон деган барометр бўлмаса керак деб ўйлайман. Оғзидан бирор гап чиқмайди, ўта эҳтиётқор, ўта сипо бўладилар.

Сафар ака эса бунақаларнинг мутлақо тескариси, кўпинча турли ноҳақликлару адолатсизликлардан ёниб, куйиниб гапириб қолар эди...

У Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати бўлиб сайлангандан кейин ҳам матбуотдан, қадрдон “Ўзбекистон овози”дан айрилишни хоҳламади. Газетадан айро ўзини тасаввур қила билмади. Лекин иш, вазифа деганлари кимга вафо қилган эдики, устоз Сафар Остонга вафо қиларди?!

Яратганнинг иродаси экан, ҳали анча тетик ва ижодий қуввати мустаҳкам пайти бу дунёни тарк этди. Ҳаётининг сўнгги кунлари ҳам “Ўзбекистон овози” деган газета тақдири, ташвишларини ўйлаб куйинганлари чин ҳақиқат.

Абдирасул ЖУМАҚУЛ.

ИМКОНИЯТ

Бугунги кунда Самарқанд вилояти аҳолисининг 55 фоизини, яъни 2 миллион 315 минг нафардан ортиғини 30 ёшгача бўлганлар ташкил этади. Бу йигит-қизларнинг жамиятда ўз ўрнини топиши, таълим олиши, касб-ҳунар эгаллашига имконият яратиш маҳаллий ҳокимлик ва тегишли идораларнинг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади.

ЁШЛАРГА ЭЪТИБОР ЯНАДА КУЧАЯДИ

Янги йил байрами арафасида вилоятда ўтказилган “Раҳбар ва ёшлар” учрашувларида бу борадаги ишлар таҳлил этилди, ёшларни ўйлантираётган муаммолар ўртага ташланиб, уларга ечим изланди.

— Вилоятимиз ҳокими, шунингдек, барча туман ва шаҳарлар ҳокимлари, ректорлар, бошқарма ва идоралар раҳбарларининг ёшлар билан ўтказган очиқ мулоқотлари давомида билдирилган фикрлар асосида ҳамда йил якунларидан келиб чиқиб, 2024 йилда амалга ошириладиган чора-тадбирлар белгиланган, – деди Ёшлар ишлари агентлиги Самарқанд вилояти бошқармаси бошлиғи Ҳусан Тўхтаев. – Жумладан, оғир тоифага киритилган 24 минг 247 нафар ёшдан 6177 нафарининг ишсизлик бўйича, 4642 нафарининг даволаниш бўйича, 2093 нафарининг касб ва хорижий тилни ўрганишга оид ҳамда 9335 нафарининг бошқа ижтимоий-иқтисодий муаммоларини ҳал қилиш режалаштирилган. 33 минг нафардан ортиқ ёшни “Ёшлар бандлик дастури” орқали қамраб олиб, ишга жойлаштириш, касб-ҳунарга ва тадбиркорликка ўқитиш, субсидия ва ер ажратиш кўзда тутилган. Бундан ташқари, 37 минг нафарга яқин ёш “Ёшлар дафтари” электрон платформасига киритилиб, уларга 58 миллиард сўмлик амалий ёрдам кўрсатилади.

2023 йилда вилоятимиз ёшлари “Беш ташаббус олимпиадаси”нинг икки босқичида ҳам муваффақиятли иштирок этди. Янги йилда бу натижаларни янада мустаҳкамлаш учун вилоят бўйича 962 минг нафар йигит-қизни мазкур ташаббусга қамраб оламиз. Иқтидорли ёшларни излаб топиш, истеъдодини рўёбга чиқариш ва уларни қўллаб-қувватлашга кўмаклашиш мақсадида 195 минг нафар йигит-қиз “Ибрат фарзандлари” Youtube платформасига, 170 минг нафари “Ibrat Academy” мобил иловасига, 128 минг нафари “UzChess” лойиҳасига, 98 минг нафари волонтёрлик ва лидерлик лойиҳаларига, 116 минг нафар ёш эса турли интеллектуал ўйинларга жалб қилинади.

Давлатимиз раҳбари томонидан 2024 йил юртимизда “Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили” деб номланиши бу борадаги ишлар кўламини янада кенгайтириши табиий. Аввало, бу эътибор барча самарқандлик ёшлар қалбини қувончга тўлдирганини таъкидлаш жоиз. Шу кеча-кундузда қаерга бормайлик, қайси тенгдошимиз билан гаплашмайлик, бошланаётган йил улар ҳаётида ўчмас из қолдирадиган йил бўлишига ишончи мустаҳкамлигини билдирмоқда. Ўзимиз ҳам илк кунларданоқ бу йилнинг масъулияти жуда юқори бўлиши, ишларимиз ҳар қачонгидан кўпайишини ҳис қилиб турибмиз. Ва бу йўлда шижоат билан меҳнат қилишга тайёрмиз, деди Х.Тўхтаев.

Дарҳақиқат, келажагимиз эгалари бўлган ёшларга эътибор, ғамхўрлик уларни руҳлантириб, эзгу ишларга ундаётгани эътиборлидир.

Ғолиб ҲАСАНОВ.

ХОРИЖ

РОССИЯ МЕҲНАТ МИГРАНТЛАРИГА ОИД ЯНГИ ТАРТИБ ЖОРИЙ ҚИЛДИ

Бундан буён Россиядаги меҳнат мигрантлари ишга жойлашгани тўғрисида Россия Ички ишлар вазирлиги тизимларини олдиндан хабардор қилиши лозим. Бу ҳақда Россияда ҳуқуқий ахборот тарқатувчи расмий интернет порталида маълум қилинди.

Мигрантлар тегишли ҳужжатни рус тилида қўлда ёки компьютерда тўлдириши керак. Кейинроқ у Россия Ички ишлар вазирлигининг ҳудудий органига топширилади. Ҳужжатга меҳнат шартномасининг нусхаси ёки келишув илова қилиниши керак. Агар келишув оғзаки тузилган бўлса, ишни бажариш учун фуқаролик шартномаси ҳақида маълумот бериш мумкин.

Шундан сўнг ҳужжат босма шаклда ИИВнинг ҳудудий бошқармасига шахсан келиб ёки почта орқали ёхуд давлат хизматлари портали орқали электрон шаклда топширилади. Маълумотларга кўра, ушбу янги тартиб 2024 йил 7 январдан кучга киради.

ҲАМАС ЕТАКЧИЛАРИДАН БИРИ ҲАЛОК БЎЛДИ

Исроилнинг Ливанга зарбаси оқибатида ҲАМАС етакчиларидан бири ҳалок бўлди. Бу ҳақда “Reuters” хабар берди.

Маълум бўлишича, 2024 йил 2 январь куни Исроил ўзиучар қурилмасининг Байрут чеккасидаги Даҳия шаҳрига берган зарбаси оқибатида ҲАМАС гуруҳининг юқори мартабали амалдори Солиҳ ал-Арурий ҳалок бўлган.

Бу маълумотни “Ҳизбуллоҳ”га алоқадор “Ал-Майадеен” сайти ҳам тасдиқлаган. Мазкур нашр хабарига кўра, ҲАМАСнинг Байрут чеккасида жойлашган идорасига қилинган ҳужумда олти киши ҳалок бўлган.

57 ёшли Солиҳ ал-Арурий Ливандаги ҲАМАС сиёсий бюросининг юқори мартабали аъзоси эди. У Ғарбий соҳилдаги гуруҳнинг ҳарбий қўмондони бўлган. “The Times of Israel”-нинг таъкидлашича, ал-Арурий Эрон ва Ливандаги “Ҳизбуллоҳ” билан яқиндан ҳамкорлик қилган.

ЯПОНИЯДАГИ КУЧЛИ ЗИЛЗИЛА

Янги йилнинг биринчи куни Япониянинг марказий қисмидаги Ното яриморолиси ва унинг атрофидаги ҳудудларда рўй берган кучли зилзила оқибатида 100га яқин киши ҳалок бўлди. Бу ҳақда “Kyodo News” хабар бермоқда.

7,6 магнитудали зилзила Ишикава префектурасидаги Важима шаҳрида кенг кўламли вайронагарчилик ва ёнғинларга сабаб бўлди. Бир неча кундирки, давом этаётган зилзилалар қутқарув ишларига тўсқинлик қилмоқда. Шаҳарда етти қаватли бино қулаб тушган, марказий ҳудудда кучли ёнғин содир бўлиб, 200 дан ортиқ биноларни қамраб олган. Расмий маълумотларга кўра, Важима шаҳрида одамлар вайроналар остида қолган бўлиши мумкин. Етти жабрланувчи касалхонага ётқизилган.

Зилзила туфайли Ниигата, Тояма, Фукуи ва Гифу префектураларида ҳам вайронагарчиликлар қайд этилган.

Кучли зилзиладан сўнг Япон денгизи бўйидаги катта ҳудудларда цунами юз бериши хавфи мавжуд эди. 2 январь куни бу ҳақдаги огоҳлантириш бекор қилинди.

Япония Бош вазири Фумио Кисида чоршанба кунги матбуот анжуманида ҳукумат табиий офатдан зарар кўрган минтақада ишлаётган ходимлар сонини 1000 нафардан 2000 нафаргача оширишга қарор қилганини айтди.

АҚШ СЕНАТОРИ ИСРОИЛГА БОШҚА ЁРДАМ БЕРМАСЛИК ТАРАФДОРИ

АҚШ сенатори Берни Сандерс Исроилнинг фаластинликларга қарши шафқатсиз урушини давом эттириши учун ажратилиши кўриб чиқилаётган 10,1 миллиард долларлик ҳарбий ёрдамни рад этишга чақирди.

“Етар! Қўшма Штатлардаги солиқ тўловчилар энди Ғазодаги бегуноҳ эркаклар, аёллар ва болаларни ўлдиришда иштирок этмаслиги керак”, деб ёзган Берни Сандерс 2 январь, сешанба куни ўзининг “X” (собиқ “Twitter”) ижтимоий тармоғидаги саҳифасида.

Унинг хавотир билдиришича, молиялаштириш давом эттирилса, Нетаньяхунинг Фаластин халқига қарши ноқонуний, ахлоқсиз, шафқатсиз ва номутаносиб уруши учун АҚШ ҳам жавобгар бўлиши мумкин.

ЯНГИ ЙИЛНИ МОТАМГА АЙЛАНТИРГАН БАХТСИЗ ҲОДИСАЛАР

Таиландда 2023 йил 29 декабрдан 2024 йил 1 январгача бўлган даврда йўл-транспорт ҳодисалари қурбонлари сони 190 нафарга етди. 1,5 мингдан ортиқ киши турли даражадаги тан жароҳатлари олди. Бу ҳақда “Bangkok Post” газетаси хабар берди.

Маълумотларга кўра, тезликни ошириш ва маст ҳолда автомобиль бошқариш йўл-транспорт ҳодисаларининг асосий сабаблари бўлиб, мос равишда 39 ва 30 фоизни ташкил қилган. Таиландда энг кўп бахтсиз ҳодисалар 1 январь куни содир бўлган, уларда 62 киши ҳалок бўлган, 422 киши жароҳатланган. 86 фоиз ҳолатда мотоциклъ ҳайдовчилари йўл-транспорт ҳодисаларида иштирок этган.

Интернет маълумотлари асосида тайёрланди.

ҚУТЛОВ

YOSHLAR ISHLARI AGENTLIGI

YOSHLAR ISHLARI AGENTLIGI
Хоразм вилоят бошқармаси жамоаси

2024 йил — Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили муносабати билан барча юртдошларимизни табриклайди!

Қутлуғ келган ушбу йилда ёшларимизнинг билим чўққиларини забт этишларида улкан муваффақиятлар тилайди. Тадбиркор ватандошларимизнинг келажакдаги бизнес-режаларига омадлар ёр бўлсин!

АНДИЖОН ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ ЖАМОАСИ

барча юртдошларимизни ва касбдошларни Янги йил айёми билан қизғин муборакбод этади! 2024 йил барчамиз учун омадли, хайрли, қувончли ҳамда улкан муваффақиятларга бой бўлсин! Юртимиз тинч, хонадонларимиздан хотиржамлик, қут-барака, тотувлик аримасин! Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили барчамизга хайрли келсин! Янги йилингиз муборак бўлсин, азиз ватандошлар!

2024 ЙИЛ —
Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили

НАЖОТ КЎНГЛИНГДАДИР...

1-6.

* * *

Хайрли ишларга шошмайсан энди,
Эзгулик нурига чулғанолмайсан,
Наҳот кўзларингни очмайсан энди,
Ғафлат уйқусидан уйғонолмайсан?

Учиб кўнасан бу шохга у шохдан,
Наҳот уялмайсан
сен ушбу тобда –
Беписанд, бепарво яшай олмоқдан
Аждодлардан қолган Она тупроқда.

Ҳамонки қаддинг тик,
Бошинг ҳам мағрур,
Ошингга бировлар сололмайди чанг.
Беманзил яшашдан қўрқмайсан бир қур,
Бемақсад яшайсан агар истасанг.

Йиғласанг хотиржам, кулсанг хотиржам
Яшайсан, билмайсан не қалб нолиши.
Қизиқтирмас ахир сени зарра ҳам
Сендан авлодларга нима қолиши…

Дунёга назар сол…
Қара қай кимса,
Бировлар ҳаққини юрар ўмариб.
У фақат яшаса, кунини кўрса,
Нега сен ҳақ сўзни айтмайсан бориб?

Кимлардир эрта-кеч чекади заҳмат,
Бир бурда нонини ейди ҳалоллаб.
Бепарво, беғамсан, сенда йўқ ҳиммат,
Мазлумлар дардини кўрмайсан ўйлаб.

Дунёга назар сол...
Ҳар истакни пул
Наҳотки амалга оширса зимдан?
Ҳалоллик, адолат чидамас буткул,
Бир садо чиқмайди нега ўзингдан?

Йўл топиб қай кимса бўлган амалдор,
Куни ҳам ўтади бамисли бойдек.
Кеча мироб эди, бугун дўкондор,
Шарқираб кўпирар гўёки сойдек...

Дунёга назар сол...
Нега ўйин кўп,
Бир-бирин алдаган тўп урарлардай?
Қўшиғи турфа хил, куйлари ҳам кўп,
Саҳнада ўзгармай кун кўрарлардай.

Қишлоғу овулдан келар овозлар,
Тафаккур олами сабза ургандай.
Ҳали чалинмаган ғуборсиз созлар,
Йўл топмай панада кутиб тургандай.

Ким борар уларни чин дилдан истаб,
Уларнинг бошини силовчи борми?
Ким борар уларни уфққа бошлаб,
Дунёда бахтиёр қилгувчи борми?

Дунёга назар сол...
Ғала-ғовурдан
Ўзлигин йўқотган, димоғи осмон.
Оёғи узилиб хорижда юрган,
Улар ҳам бандадир, улар ҳам инсон.

Она юрт тупроғи муқаддас, азиз,
Кун келиб соғинчи қийнайди ахир.
Умр ҳам ўтажак шамолдайин тез,
Неларга дуч қилмас бир куни тақдир.

Бегона ўлкада тортгандан азоб
Бағрингни қилгандан кўра юз бор хун,
Ўз тупроғинг, келгин, айлагин тавоф,
Шу ерда ғам чеккин, шу ерда суюн.

Умидингни сочиб яна елларга,
Турфа томонларга учарсан энди.
Бир ҳовуч дон истаб ўзга элларда
Наҳотки тузоққа тушарсан энди?

Наҳотки дилингда бирорта сўз йўқ,
Афсусу надомат чекмайсан ҳатто.
Нимадан, билмадим, ахир кўнглинг тўқ,
Нега сен бефарқсан, сендан йўқ садо...

Дунёга назар сол...
Фидойи ҳам бор,
Тонг билан уйғониб, шомни кузатар.
Ҳар ишнинг кўзини билгувчи саркор,
Қадами етган жой гулдир муаттар.

Қара, биноларнинг чўзганини бўй,
Юлдузлар сочилган оқшом бошида.
Ғурурлан, фахрлан, чиройидан тўй,
Гўзаллик мужассам унинг ёшида.

Болалар шодлиги гўё бир жаҳон,
Ёниқ нигоҳида кулги беғубор.
Уларнинг боридан келажак омон,
Бу замин эртаси ёруғ, бахти бор!

Ҳавасу ҳайратда ҳатто табиат,
Бу боғлар намойиш этади кўркин
Экилган ниҳоллар ўсмоқда беҳад,
Майсалар тебраниб яйрайди эркин.

Дунёга назар сол...
Олчоқлар қанча,
Бировлар ризқини юрибди қийиб.
Балолар ёғдириб, ташвиш солганча
Айбсизни айблар қийноққа қўйиб.

О, улар қурдирган саройлар сонсиз,
Ўзгалар ҳаққидан кўкрак керганлар.
Улар-ку виждонсиз, ғурур, имонсиз,
Уларни айтарлар: Худо урганлар...

Қай бири мажруҳу, қай бири майиб,
Ором йўқ кечаси уйқуларида.
Ўзининг ёғига ўзи қоврулиб,
Файзу барака йўқ ҳеч уйларида...

Сўрасанг, бу қинғир йўллар мен эмас,
Шайтону лаиннинг қилмиши дейди.
Осуда яшашга қўймас бир нафас,
Одамнинг гўр нафси одамни ейди.

Бу дунё аталмиш ўйноқ қайиқда
Ким таловчи, кимдир эзгуликка кўрк.
Сени алқагувчи ётдан ҳайиқма,
Асли ичингдаги душманингдан қўрқ.

Замондош!
Ўйлаб боқ!
Ахир бор нажот —
Гар билмоқ истасанг, бир зум кўз ташла.
Қизингга дарс берсин номусу сабот,
Ўғлингни эзгулик, илмга бошла.

Унутма!
Бугундан гўзал сабоқ ол,
Аслида равонмас, паст-баланд ҳаёт,
Яхшиликка йўлдош қалбга қулоқ сол,
Нажот кўнглингдадир,
кўнглингда нажот!

АДАБИЙ ТАЛҚИН

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ:

ЖЎШҚИН ВА ҲАЁТИЙ

Сўнгги йилларда мамлакатимизда нашриёт-матбаа соҳалари ва кутубхоначилик фаолиятини ривожлантириш, китобхонликни рағбатлантириш ҳамда ижод аҳлини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида изчил чоралар кўрилмоқда. Шу маънода, давлатимиз раҳбари раислигида 2023 йил 22 декабрь куни бўлиб ўтган Республика Маънавият ва маърифат кенгаши йиғилишида 2024 йилдан миллий ҳамда жаҳон адабиётининг энг сара намуналарини кўп минг нусхаларда чоп этиш ҳамда барча кутубхоналарга етказиб бериш лозимлиги алоҳида таъкидлангани бежиз эмас.

Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, шоир, таржимон, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист Ғулом Мирзо шундай ғамхўрлик ва эътибордан руҳланиб ижод қилаётган серқирра қаламкашлар сирасига киради. Яқинда унинг 6 жилддан иборат китоблари туркуми нашрдан чиқди.

Аввало, мазкур олти жилдликнинг ўзига хос иккита хусусиятига эътибор қаратишни истардим.

Биринчидан, Ғулом Мирзо айни туркумга тартиб беришда Алишер Навоий ҳазратларининг “Ғаройиб ус-сиғар”, “Наводир уш-шабоб”, “Бадоеъ ул-васат”, “Фавойид ул-кибар” номли тўрт қисмдан ташкил топган “Хазойин ул-маоний” девонидан тортиб, атоқли шоиримиз Эркин Воҳидовнинг саккиз жилдлик (“Баҳор тароватари”, “Ёз ҳарорати”, “Куз саховати”, “Қиш ҳаловати”, “Қалб садоқати”, “Эрк саодати”, “Дил тубига чўккан лаҳзалар” китоблари ва таржималаридан иборат) “Тўла асарлар тўплами”ни нашр этиш борасидаги ибратли тажрибаларигача атрофлича ижодий ўрганган.

Иккинчидан, муаллифнинг журналистика соҳасидаги 30 йиллик фаолияти давомида публицистика йўналишида ўндан ортиқ китоби нашр этилди. Айниқса, 2016 йилги “Мустақилликнинг залворли одимлари” номли икки жилдлиги ва 2018 йилда нашр қилинган “Ҳаракатлар стратегияси – барқарор тараққиёт сари” ҳамда 2021 йилда чиққан “Учинчи Ренессанс ва инсон ҳуқуқлари” китоблари алоҳида ажралиб туради.

Ушбу китобларнинг биронтаси олти жилдликка киритилмаган. Шу маънода, бунга қадар 5 та шеърий китоб (“Отамнинг боғи” 2019, “Қалб томчилари” 2010, “Офтобга қайтаман” 2008, “Унутилган ҳур” 1997, “Яхшиям сиз борсиз” 1994) ва бир қанча таржима асарлари билан танилган Ғулом Мирзо ўзининг янги китоблари туркумини, асосан, шоир ва таржимон сифатида тақдим қилаётганини қайд этишга бурчлимиз.

Янги китоблар ўз мухлисларининг қўлига ҳали етиб бормади. Шунинг учун мазкур туркумга масъул муҳаррир эканлигимни назарда тутиб, олти жилдликка кирган асарларнинг мазмун-мундарижаси ҳақида қисқача сўз юритишга жазм этдим.

XX аср шеърлари: “Таайюн рақамлари”

Ғулом Мирзо туркумнинг “Таайюн рақамлари” номли биринчи китобига ўз ижодининг дастлабки даврига мансуб шеърларини жамлаган. Бу шеърлардан бир қисми шоирнинг турли йилларда чоп этилган шеърий тўпламларидан жой олган бўлса, аксарияти фақат турли тўплам, журнал ва газета саҳифаларида эълон қилинган. Айрим шеърлар илк бор шеърхонлар эътиборига ҳавола этилмоқда.

Улуғ шоир ва мутафаккир Алишер Навоий ижодида “таайюн” сўзи кўп қўлланганини кўрамиз. Таайюн – муайянлик, аниқлик, маълумлик, дегани.

Бу борада таниқли шоир Икром Отамурод билан фикримиз бир жойдан чиқди: Ғулом Мирзонинг айни китобидаги шеърлар ва назмий туркумлар – яхлит ҳолида ҳам, сўз, ибора ҳамда шеърий санъатлар алоҳида ҳолатида ҳам, мантиқий аниқлиги, маънавий-руҳий муайянлиги, худдики рақамлар мисоли бир бутунлиги билан шеърхон эътиборини ўзига тортади.

Тўпламда мумтоз адабиётимизга хос равишда “Фироқнома”, “Насафнома”, “Дилнома”, “Соғинчнома”, “Ёднома” деб номланган туркумлар ҳамда “Юлдузли шеърлар”, “Зарра-зарра томади толе”, “Қизил истироб”, “Мутолаа фароғати” сингари замонавий номланган туркумлар ҳам мавжуд. Сони 500 тадан ортиқ учликлар эса алоҳида туркумда мужассам этилган.

Назаримда, шоирнинг бундай ёндашувини, бир томондан, Жалолиддин Румий, Алишер Навоий, Ҳофиз каби буюк сўз усталарининг маънавий меросига муҳаббат ва садоқат нуқтаи назаридан, иккинчи томондан, Гёте каби европалик даҳо шоирларнинг Шарқ ва Ғарб адабиётидаги илғор тажрибаларни ўзлаштириш ҳамда ўзаро уйғунлаштириш йўлидаги қадамларини давом эттиришга астойдил интилиш сифатида ижобий ҳол, деб баҳолаш лозим.

Ушбу жилднинг яна бир ўзига хос жиҳати – унда шоирнинг кўнгил кечинмалари, қувончу шодликлари, изтироблари сатрларга кўчган шеърлари, мунгли марсиялари билан бирга тарбиявий жиҳатдан муҳим, ижтимоий аҳамиятга молик шеърий туркумлари, чуқур ва кенг фалсафий мушоҳадалари ёнма-ён келади.

XXI аср шеърлари: “Ойпараст дил”

Ғулом Мирзо қаламига мансуб олти жилдликнинг иккинчи китоби “Ойпараст дил” деб номланган. Олдинги шеърий тўпламлар орқали мухлисларга яхши таниш бўлган “дил” образи эндиликда янги қиёфада, яъни “ойпараст дил” мақомида намоён бўлмоқда.

Ойпарастлик – ғайриоддийликдир. Ошиқ дилнинг далли-девоналиги оташин шеърий мисраларда ойпарастлик тимсолида тақдим этилмоқдаки, бундай бадиий ечим шеърхонни беэътибор қолдирмаслиги тайин.

Ушбу жилддаги энг янги шеърлар жамланган 10 та туркум, айниқса, алоҳида эътиборга сазовор. Бу ўринда, жумладан, 2016-2023 йиллар, яъни юртимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида Янги Ўзбекистонга асос солиниши даврида ёзилган “Зомин дафтари”, “Найсону тийрамоҳ чорраҳасида”, “Тўқилди умримнинг ҳосили”, “Эй, кўзлари – қалбимнинг нақши”, “Байрақдек юксалар ҳар битта юрак” номли туркумлар ҳақида сўз бормоқда.

Шуни таъкидлаш керакки, бир томондан, ушбу туркумларга киритилган шеърларнинг юксак руҳи сўнгги йилларда Ғулом Мирзонинг ижодида жўшқинлик даври кечаётганини кўрсатса, иккинчи томондан, туркумлар ва улардаги шеърларнинг қўламдорлиги шоир серҳосил илҳом палласида ижод қилаётганини яққол билдириб турибди.

Тўпламдаги туркумларнинг қолган қисми “Настариндек нозланган дунё”, “Фалакдан бойлайсан сарришта”, “Бир нафасдек ютдим умрни”, “Фикрат довуши” каби номлар билан аталган. Бу туркумлардаги шеърлар ҳам янги – шоирнинг XXI асрга мансуб ижод намуналаридир.

Ғулом Мирзо қаламига мансуб “Таайюн рақамлари” ва “Ойпараст дил” китобларини шоирнинг шеърият тараққиёти пиллапоялари бўйлаб юксалиш йўлида қўйган дадил қадамлари, десак, арзийди.

Наср: “Эй, дарвеш”

Кейинги йилларда Ўзбекистон Олий суди томонидан 1030 дан зиёд мустабид тузум қатағонига учраган ватандошларимиз номи оқланган тарихий адолатни тиклаш йўлидаги янги қадам бўлди. Бу рақам Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2023 йил 11 декабрь куни пойтахтимизда бўлиб ўтган “Жадидлар: миллий ўзлик, истиқлол ва давлатчилик ғоялари” мавзусидаги халқаро конференция иштирокчиларига йўллаган табригида келтирилди.

Ғулом Мирзонинг олти жилдлигига учинчи китоб сифатида киритилган “Эй, дарвеш! (Зулмни енгган мазлумлар қиссаси)” номли асар қаҳрамонлари – ота-бола Мирза Тўлаев ва Абдирайим Мирзаев ҳам худди шу рақам ичида бор. Китоб муаллифининг 1949 йили айнан “халқ душмани” деган сохта айблов билан қатағонга дучор этилган отаси ва бобоси оқланиши учун 70 йил вақт керак бўлди.

XX аср 50-йилларидаги “илиқлик даври”да катта қатағон қурбонлари орасидан айрим таниқли зиёлиларнигина қисман оқлаш йўлидан борилган. Бунинг сабаби шуки, агар ўшанда ноҳақ қатағон этилган миллионлаб оддий кишилар ҳам ялпи оқлаб юборилса, советлар тузуми зулмкор бўлгани тўғрисидаги ҳақиқат очилиб қолар, оқибатда халқнинг ишончсизлиги ва норозилиги кучайиб кетиши мумкин, деб қаралган.

Эътибор беринг: аксилинқилобий тарғибот ва ташвиқот олиб боришга оид айблов билан 1937 йили Абдулла Қодирий, Абдурауф Фитрат, Абдулҳамид Чўлпон каби миллат гуллари қатағон этилган, кейинги босқичда Ойбек, Мақсуд Шайхзода, Саид Аҳмад, Шукрулло сингари забардаст адибларимиз қамалган. Мирза Тўлаев эса бадиий ижодда танилмаган, шунчаки дину диёнатли ва ҳалол, содда ва ростгўй, айни чоғда, советлар сиёсати ва мафкурасидан бехабар, оддий қишлоқ одами бўлган. Мирза бобо китоб ёзмаса ҳам, китобларни севиб мутолаа қилган, албатта. Ҳибс этгани келганлар масжид ва шахсий кутубхонадаги бир қоп ноёб қўлёзма китобларини хачирга ортиб кетгани ҳам буни тасдиқлайди.

Мирза Тўлаев қарийб бир ойлик шафқатсиз терговлар давомида сохта айбловларни бўйнига олмагач, янада бешафқат йўл тутилади. Яъни, 1949 йил 1 октябрда Мирза бобонинг ёлғиз ўғли Абдирайим Мирзаев ҳам ҳибсга олинган. Сўнг ота – 10 йил, ўғил – 6 йил муддат давомида ГУЛАГ лагерларида жазони ўтаб қайтган.

Ғулом Мирзонинг ушбу китоби марҳум ота-бобосининг руҳи покларини ёд этишга хизмат қилибгина қолмай, муҳим маънавий-тарбиявий аҳамият ҳам касб этади.

Лотин Америкаси адабиётидан намуналар: “Сув бўйида санавбарим сен, Ватан”

Авваламбор, Ғулом Мирзо олти жилдлигидаги тўртинчи китоб ҳисоблануви ушбу тўпламнинг номи ҳақида икки оғиз сўз: “Сув бўйида санавбарим сен, Ватан” – бу самимий ва меҳр-муҳаббатга тўла таъриф эквадорлик шоир Хорхе Энрике Адоум қаламига мансуб “Ватан илдизлари” сарлавҳали шеърдан олинган жарангдор ва гўзал мисрадир.

Эквадор шоири уммон соҳилида жойлашган ватанини кўркам дарахтга қиёслаган. Ўз, навбатида, ўзбек таржимони ушбу қиёсни ўгиришда Шарқ шеърияти, хусусан, Навоий ғазалларида севгили ёрнинг қомати тавсифида қўлланиладиган санавбар (яъни, қарағайга ўхшаш хушқомат дарахт) тимсолидан муваффақиятли фойдаланган.

Лотин Америкаси адабиёти аслида XX асрда шеириятдан бошланганини унутмаслик лозим. Зотан, Борхес, Кортасар, Гарсиа Маркес каби жаҳон насрининг пирлари айни пайтда ҳассос шоирлар ҳамдир. Ҳозирги кунда ана шу соҳир қалам усталари, шунингдек, Рубен Дарио, Габриэла Мистрал, Сесар Вальехо, Николас Гильен, Мигел Астуриас, Альехо Карпентьер, Пабло Неруда, Октавио Паз ижодига мансуб шеърлар жаҳон санъати дурдоналари хазинасидан муносиб ўрин олган.

Тўпламда Лотин Америкаси минтақасидаги 16 давлатдан – 55 нафар шоир ва ёзувчининг ижод намуналари, 300 дан ортиқ шеър ва ўндан зиёд ҳикоя жамланган. Бу шеър ва ҳикояларни рус тилидан ўгирган Ғулом Мирзо чорак асрдан буён ўзбек муштарийсини жаҳон адабиёти дурдоналари, жумладан, Лотин Америкаси адабиёти намуналари билан таништиришдек эзгу ишга ҳисса қўшиб келмоқда.

Ғарб ва Шарқ шеириятидан таржималар: “Қушлар сайрайверар томирларимда”

Асл адабиёт – истеъдод мевасидир. Истеъдод бор жойда эса география, яъни макон ўз моҳиятини йўқотади. Бу маъвода ҳақиқий адабий-бадиий асар миллий бўлиши билан бирга ғоятда умуминсоний, айни чоғда, умумбашарийлиги билан том маънода миллий ҳамдир. Ҳатто адибнинг қайси адабий оқимга мансублиги эмас, балки айнан асарларидаги маъно ва фикр, туйғу ва ҳикмат, рамз ва ташбеҳ, сўз ва гўзаллик мухлисга нақадар завқ бағишлаши муҳимдек туюлади.

Ғулом Мирзо олти жилдлигидаги бешинчи китоб “Қушлар сайрайверар томирларимда” дея номланган бўлиб, ушбу тўпламда Ғарб ва Шарқнинг соҳир қалам усталари ижодидан намуналар жамланган. Хусусан, европалик шоирлар – Георг Фридрих Генделнинг “Амир Темур” операси, Ханс Магнус Энценсбергер, Ян Райнис, Анна Свиршинская, Тадеуш Ружевич ва Аниза Колц ҳамда америкалик шоир Генри Уодсворт Лонгфелло шеърлари, рус шоирлари Иван Бунин ва Александр Матусовскийнинг назмий жавоҳирлари, япониялик мумтоз шоирлар Сайгё, Мацуо Басё, Кикаку Такараи, Кобаяси Исса қаламига мансуб хокку ва танка жанридаги назмий асарларининг ўзбекча таржималари тақдим этилган.

Ушбу антология Ғарб ва Шарқ минтақаларида жойлашган 8 та мамлакат адабиётининг 14 нафар намояндаси назмий асарлари намуналаридан иборат. Бу етук бадиий асарларни адабиётсевар халқимизга тақдим этар экан, таржимон Ғулом Мирзо ҳар бир адибга ҳурмату эъзоз кўрсатиб, ҳар қайси асарнинг туб моҳияти ва ғоясини, бадиий ютуқларини, қўлланган сўз санъати унсурларини имкон қадар аслиятдагидек сақлашга интилган.

Ғулом Мирзонинг таржима тўпламлари ҳақидаги фикрларимни шу жойда мухтасар этаман. Муҳими, давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, “Юртимизда дунё адабиётининг бебаҳо мулки бўлган минг-минглаб асарлар таржима қилиниб, китобхонлар қалбидан жой олгани, бадиий таржима ва таржимашунослик бўйича ўзига хос ижодий мактаб шаклланганини алоҳида таъкидлаш лозим”.

Ёднома: “Жондек азиз хотиралар”

Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири, Давлат мадҳияси муаллифи Абдулла Орипов миллий адабиётимизни янги босқичга кўтарган нодир истеъдод соҳиби эди. Севимли шоиримизнинг юксак бадиий, теран фалсафий шеърлари халқимиз кўнглидан чуқур жой олган. Драматик ва публицистик асарлари, достон ва таржималари адабиётимиз ривожига улкан ҳисса бўлиб қўшилган.

Ғулом Мирзо олти жилдлигидаги олтинчи китобнинг биринчи қисмидан ардоқли шоиримиз билан муаллифнинг қарийб чорак асрлик мулоқотлари асосида қоғозга тушириган эссе, мақола ва суҳбатлари жой олган.

“Жондек азиз хотиралар” китобининг иккинчи қисми атоқли таржимашунос олим ва ҳассос публицист, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган фан арбоби Ғайбулла Саломов (тоҳаллуси: Ғайбуллоҳ ас-Салом) хотирасига бағишланган.

Маълумки, Ғайбулла Саломов асос солган ўзбек таржимашунослиги илмий мактаби мамлакатимиз, ҳаттоки жаҳон илм-фани равнақида ўзига хос ўринга эга. Ғайбулла Саломов энг кўп шогирдлар тарбиялаган заҳматкаш олимлардан биридир.

Таржимачилик ишининг долзарблиги масаласига келсак, таржимасиз бирон-бир халқ ва миллат маданияти ўз-ўзидан тараққий топмаган ва топмаслиги муқаррар. Бинобарин, устоз Ғайбуллоҳ ас-Салом таъбири билан айтганда, “Таржима санъатисиз халқлар бир-бирлари учун соқов бўлиб қоладилар, бир-бирларини тушуна олмайдилар”.

Шу маънода, Президентимиз яқинда таржимонликдек масъулиятли меҳнатни муносиб рағбатлантириш учун улуғ шоир ва таржимон Оғаҳий номидаги халқаро мукофотни таъсис этишни таклиф этганлари ниҳоятда улкан аҳамиятга эга.

Акмал САИДОВ,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси,
академик

КЕЧИНМА

Талабалик йилларимнинг хотирамда муҳрланиб қолган бебаҳо дамларини ҳамиша ўзгача бир соғинч билан эслайман. Университетнинг журналистика факультетига қабул қилинган кунимиздан бошлаб, профессор-ўқитувчиларимиз тинглаган маърузамиз мазмун-моҳиятини тўқсон олти варақлик дафтарга ёзиб боришга ўргатишган. Албатта, ҳар бир маъруза якунида мавзуга доир адабиётлар рўйхати илова қилинар, уларни ўқиб конспект қилиш шарт эди. Сабоқнинг айнан мана шу усули биз илми-толибларни ҳар бир фандан берилган адабиётларни излаб топишга, ўқиб, фикрларимизни дафтарга туширишга ундарди. Шу боис дарсдан сўнг, ким дорилфунун, ким кутубхоналарга йўл олар — мақсад китоб ўқиш, чуқур билим олиш эди.

Шутларимга кирадиган ХАЗИНАЛАР

Ҳар қадамда мавжуд бўлган катта-кичик кутубхоналарнинг ўқув заллари доимо гавжум бўлар, баъзан оладиган китобимизни буюриб қўйиб, ўзимиз жой бўшашини кутар, тик оёқда газета ёки журнал ўқиб турардик. Китоб мутолаасига бўлган қизиқиш аллақачон ҳаётимизнинг ажралмас қисмига айланиб бўлгани боисми ёки масъулиятни теран ҳис этганимиз сабабми, кутубхонага домламиз берган вазифани бажариш учунгина эмас, балки олиниши керак бўлган билимдан қуруқ қолмаслик учун борардик. Шу-шу кутубхонани кўплаб дўстларим қатори мен ҳам ўзимнинг “Иккинчи дорилфунуним” деб билдим. Кейин-кейин ҳозирги Гагарин боғининг Мустақиллик майдони томонида жойлашган Ўзбекистон Фанлар академияси кутубхонасига ҳам қадам ранжида қила бошладик. Бу қутлуғ илм масканининг ўқув зали ҳам ҳар доим турли ёшдаги олимлар билан тўла бўлар, уларнинг столлари устида қалин-қалин китоблару журналлар тахланиб турар, кимдир диққат билан ўқиётган, кимдир шиддат билан ёзаётган бўларди. Аммо биров бировга халақит бермас, кириб-чиқувчилар оёқ учида юришар, ўзаро мулоқотга зарурат туғилганда шивирлашиб гаплашилар, китобхоннинг кутубхонадан фойдаланиш маданияти юқори эди. Бора-бора шуни англадимки, кутубхона нафақат зиё, илм-фан хазинаси, балки инсон қалбига, онгу-шуурига энг гўзал хислат ва фазилатларни жо этадиган, уни эзгу ниятлару олижаноб мақсадларга илҳомлантирадиган, ўз миллатининг тарихи, маданияти ва қадриятларига чексиз ҳурмат ва муҳаббат, аждодларининг ибратли ҳаёт йўлига фахру ифтихор билан қарашга, имон-эътиқодли, элпарвару юртпарвар, фидойи, ташаббускору тадбиркор бўлишга ўргатадиган, олам ва одам сир-асрорлари билан таништирадиган буюк ва бебаҳо тарбия мактаби ҳам экан. Шу нуқтаи назардан қараганда кутубхонани дунёвий сабоқ берадиган буюк донишманд муаллим десак хато бўлмас. Бу муаллим илм, билим уммони. Унинг ҳар бир қатраси оламшумул янгиликнинг, улкан кашфиётнинг, чинакам тараққиётнинг хамиртуруши.

Бизга кутубхона-ю, китобга ташналик муҳаббати Абу Али ибн Сино, Муҳаммад Хоразмий, Абу Райҳон Беруний, Имом ал-Бухорий, Алишер Навоий, Мирзо Улуғбек сингари неча юзлаб буюк бобокалонларимиздан мерос. Уларнинг турли соҳаларда дунёвий машҳурликка эришишларида юзлаб, балки минглаб бебаҳо китоблар беқиёс аҳамият касб этганлигини ёдга оладиган бўлсак, инсониятнинг ҳеч бир нарса билан тенглаштириб бўлмайдиган бойлиги – кутубхона қадр-қиммати юксакдан-юксак эканлигини янада теранроқ англаймиз.

Давлатимиз раҳбарининг кутубхоналарни кўпайтиришга, китоб нашрига, китобхонликни кенг тарғиб қилишга, айниқса, ёшларнинг китоб мутолаасига бўлган қизиқишини оширишга қаратилган эътибори, кўраётган чора-тадбирлари бежиз эмаслигини, билимли миллатгина қудратли бўлишини, равнақ топиб, фаровон ҳаёт кечиришини ҳаётнинг ўзи кўрсатиб турибди.

Хўш, мустақилликка қадар кутубхоналаримизнинг аҳволи қандай эди? Замоннинг зайли билан ўтган асрнинг тўқсонинчи йилларида, яъни мустақиллигимиздан олдинроқ турли “изм” ғоялари билан суғорилган жамики ижтимоий-сиёсий, илмий, бадиий ва оммабоп адабиётларни битта ҳам қолдирмасликка қарор қилиниб, республикамизнинг миллион-миллион жилдлик юзлаб, эҳтимолки, минглаб кутубхоналари барбод қилинди. Энг муҳими, ана шу миллион-миллион жилд ичида машҳур ўзбек, рус ва жаҳон ёзувчиларининг турли йилларда нашр этилган танланган асарлари тўпламлари ҳам узоғини ўйламай қилинган ёвузликнинг қурбони бўлди. Агар, ҳар бир бадиий асарда ҳаётнинг бир парчаси,инсоннинг эзгулик йўлидаги қарашлари, орзу-ўйлари, ҳис-туйғулари, курашлари, дарди, нафрат ва қувончлари акс этишини инобатга оладиган бўлсак, оқни қора дейилгани аниқ-тиниқ равшан бўлади. Хўш, ўз вақтида ўша давр сиёсатининг қўли билан Абдулла Қодирий, Фитрат, Чўлпон, Усмон Носир сингари қатор-қатор буюкларимизнинг асарларинигина эмас, туҳмат тоши остига олиб, ўзларини ҳам ҳеч бир асоссиз гумдон қилганлар нимага эришдилар?!

Ҳақиқат баъзан эгилишга мажбур бўлса-да, лекин синмайди. Шу боис ҳам Қодирийлар, Фитратлар, Чўлпону Усмон Носирлар бугун ҳам халқимизнинг дилида, тилида. Улар битган ўлмас асарлар нафақат бизнинг, балки жаҳон халқларининг бой маънавий мулкига айланган. Бу бизнинг фахру ифтихоримиз, ғурурлансак арзийдиган тарихимиз, дунёга достон қилгулик меросимиз. Шу ўринда яна бир мисол. Марксизм-ленинизм ғояларини байроқ қилиб, бизга қарийб бир ярим аср давомида Амир Темур бобомизни босқинчи, қонхўр, вайрончи деб ўқитишди, уқтиришди, буни қўлларидан келган усулда тарғиб қилишди. Ваҳоланки, ўша Карл Маркс ўз асарларидан бирида Соҳибқирон бобомизни буюк давлатчиликка асос солган адолатпарвар, халқпарвару юртпарвар, бунёдкор подшо, деб таъриф берган экан. Бошимизга тегирмон тоши айлантирганларнинг сиёсатчилари-ю, олимлари улуғ “доҳий”нинг бу фикридан бехабармидилар? Уни кўкларга кўтарган тузум даҳолари асарларини ўқимаганмидилар?! Ўқиганлар. Ўқиб, уқиб ва билиб туриб, “қўрқоқ олдин мушт кўтарар” қилганлар. Бунга шубҳа қилмасак ҳам бўлади.

Хўш, Марксниг бу фикрини шўролар ҳукмронлиги даврида биринчи бўлиб бутун иттифоққа ошкор қилган ким? Ўша машъум тузумнинг Амир Темур ҳақидаги бўҳтон фикрларини пучга чиқариб, унинг одил подшолигини, халқпарварлиги-ю, бунёдкорлигини, оврўпо мамлакатлари билан дўстона ҳамкорлигигача ўзининг 1968 йилда ўзбек ва рус тилларида нашр этилган “Амир Темурнинг Ўрта Осиё халқлари тарихида тутган ўрни ва роли” рисоласида ҳам тарихий, ҳам илмий жиҳатдан асослаб берган журъатли ва жасоратли инсон ким эди? Бу ўзбекнинг аллома олими, академик Иброҳим Мўминов эди. Буюк файласуф Марксниг Соҳибқирон ҳақидаги “Амир Темур ўзи тузган салтанатда адолатли қонунлар ўрнатди” деган фикрини қаердадир ўқиганини эслаб, кутубхонанинг тақиқланган китобларидан изламаганида топармиди?! Шубҳасизки, йўқ. Демак, бундай фикрларни китоблари йўқотилган кутубхоналаримизнинг минглаб эмас, миллионлаб китобларида кўриш мумкин. Шундай экан, кутубхона – китобхона эканлигини, уни кераксиз адабиётлардан тозалашда шошма-шошарликка йўл қўймаслик лозимлигини унутмайлик! Кутубхона ҳеч қачон у ёки бу тузумнинг, у ёки бу сиёсатнинг гирдобига ғарқ бўлмаслиги лозим. Чунки, ўрмонга ўт кетса ҳўлу қуруқ баробар ёнар деганларидек, мутлақо кераксиз китоблар қаторида минг-минглаб одамлар бахра оладиган дурдона ва ноёб адабиётлардан айрилиб қолишимиз ҳеч гап эмас.

Мен соғинадиган, тушларимга кириб чиқадиган кутубхоналаримдан яна бири пойтахтнинг шимолий темир йўл вокзалидаги ҳарбий дўкон биноси ортида жойлашган эди. Туман марказий кутубхонаси ҳисобланган бу зиё маскани ниҳоятда соддин бўлиб, орқа томонидан “Солар” ариғи ўтар, ёзнинг иссиқ кунларида ҳам ўқув зали жуда салқин бўлар эди. Энг муҳими, бу ердаги ўзбек, рус ва жаҳон бадиий адабиёти мени ҳайратга солар, назаримда, дунёнинг барча бадиий китоблари шу кутубхонада жамлангандек эди. Ростини айтганда, бу кутубхонадан жаҳоннинг барча халқлари ёзувчи ва шоирларининг кўп жилдлик танланган асарларини, шунингдек, деярли ҳамма соҳаларга оид китобларни топиш мумкин эди. Мен бу кутубхонага ҳар якшанба куни ўқиб бўлган китобларимни олиб бориб топширар ва янги бадиий асарлар билан қайтар эдим. Вақти-соати билан ана шундай катта бир маънавий-маърифий маскан ҳам таг-туги билан барҳам топди. У ҳар гал ёдимга тушганда беихтиёр хўрсиниб қўяман. Кутубхона бутун салоҳияти билан кўз ўнгимда намоён бўлиб, ич-ичимдан эзилиб кетаман. Миллион-миллион китоб. Бебаҳо хазина. Кўз юмиб очгунча йўқолди-қолди. Афсус, минг афсус! Буни қарангки, ўша пайтлар мен кўчиб борган “дом”нинг биринчи қаватида бадиий адабиётга бой жуда чиройли кутубхона бор экан. Бу мени бениҳоя қувонтирди. Лекин кўп ўтмай бу кутубхонадан ҳам ном-нишон қолмади.

Кузнинг бошларида Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасида бир неча кун ишлашимга тўғри келди. Кутубхона биноси энг замонавий. Кўрса кўргулик. Нимаики зарур бўлса, ҳаммаси муҳайё. Компьютерлаштирилган ўқув заллари жуда шинам. Интернет тармоғи ишлаб турибди. Буюрган китобингизни ўн-ўн беш дақиқа ичида олишингиз мумкин. Хизмат кўрсатиш аъло даражада. Ҳар замон-ҳар замон атрофга бир назар ташлаб қўяман. Ўтирганларнинг ёши улуғлари саноқли. Саксон-тўқсон фоизи ёшлар. Бундан қувонмай бўладими? Айниқса, ёшларимиз китоб ўқимай қўйишди дейилаётган ҳозирги пайтда. Аммо аччиқ бўлса-да, очиқ айтиш керакки, уларнинг кўпчилиги кутубхона маданиятидан анча йироқ. Қайси бир столда икки дугона, қайси бир столда йигит билан қиз бошқаларга халақит қилиб шунчаки гаплашиб ўтиришибди. Айримлари сал четга ўтиб мобиль телефонида бемалол мулоқот қилаяпти. Ҳатто кутубхонадан фойдаланиш тартиб-қоидаларини билмайдиганлари ҳам борлигига гувоҳ бўлдим. Маълум бўлдики, ёшларимизни китоб ўқишга қизиқтириш баробарида кутубхона маданиятини, ундан фойдаланиш қоидасини-ю, тартиб-интизомини ҳам ўргатишимиз керак экан. Токи улар ҳам биз сингари кутубхонани тушларида кўриб, китобларини соғиниб юрадиган бўлсинлар.

Нуриддин ОЧИЛОВ,
Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг журналистика факультети ўқитувчиси.

БУГУНГИ ЁШЛАР

МУРАББИЙЛАРИНИНГ ИШОНЧИНИ ОҚЛАГАН ТАХМИНА

Бундан тўққиз йил муқаддам самарқандлик ёш қизча Қозоғистоннинг Остона шаҳрида бўлиб ўтган бадиий гимнастика бўйича “Айголек – 2014” халқаро мусобақасида шоҳсупанинг юқори поғонасини эгаллагани анча шов-шув бўлган эди. Ўшанда дунёнинг турли мамлакатларидан 340 дан ортиқ ёш гимнастикачи қизлар қатнашган мусобақанинг кўпкураш баҳсларида олтин медални қўлга киритган Тахмина Икромова 11 ёшда эди.

Юртимизда болалар спортининг ривожланишига қаратилаётган алоҳида эътибор ўз мевасини берди. Тахмина Икромова кейинги йилларда ҳам мураббийлари ишончини оқлаб, қатор совринли ўринларни эгаллади. “FIG” жаҳон чемпионати серияларида яккалик бўйича финалда олтин медални қўлга киритган биринчи ўзбек бадиий гимнастикачиси деган фахрли номга сазовор бўлди.

2023 йил август ойида Испаниянинг Валенсия шаҳрида ўтказилган бадиий гимнастика бўйича жаҳон чемпионатида эса Тахмина Икромова Ўзбекистон делегацияси учун “Париж-2024” ёзги Олимпия ўйинларининг илк йўлланмасини қўлга киритди.

2023 йил октябрда Хитойда бўлиб ўтган Осиё ўйинларининг бадиий гимнастика бўйича яккалик баҳсларида Тахмина Икромова олтин медалга сазовор бўлди. Тахмина мусобақада 131.300 балл тўплади ва барча рақибларини орта қолдириб, шоҳсупанинг энг юқори поғонасидан жой олди.

Маълумки, “Париж-2024” ёзги Олимпия ўйинлари 2024 йил 26 июль – 11 август кунлари Парижда ўтказилиши белгиланган.

У.ХЎЖАНИЁЗОВ.

РАССОМ ХАНДАСИ



Ҳабибулло МЎЙДИНОВнинг телеграм каналидан олинди.

Hurriyat Mustaqil gazeta

Бош муҳаррир
Абдурасул ЖУМАҚУЛОВ

Таҳририятга келган хатлар доимий эътиборимизда.
Мақола ва хабарларда келтирилган маълумотлар учун муаллиф жавобгар.

Телефон: (71) 244-32-68, 244-32-91
Тел-факс: (71) 244-32-80
Реклама ва маркетинг бўлими: (71) 244-32-70

Манзилимиз: 100011, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.
Elektron manzil: gazhurriyat@mail.ru; info@uzhurriyat.uz

Муассис:
Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси

Газета 2007 йил 3 январда Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 0080 — рақам билан рўйхатга олинган.

Адади: 4 007
Буюртма — Г-144

Ҳажми 4 босма табоқ. Бичими — А-2.
Баҳоси келишилган нархда

1 2 3 4 5 6

Топширилиш вақти — 21[00]
Топширилди — 22[35]

ISSN 2181-0680

Обуна индекси: якка обуначилар ва ташкилотлар учун — 233

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва дизайнер Э.Ёдгоров томонидан саҳифаланди.

Навбатчи: И.Асилбеков. Мусаҳҳиҳ: З.Ҳасанова.

“Шарқ” НМАК босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.